



# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

2010-yil 12-avgust № 96 (2821) payshanba

## Касаба уюшма тадбири

**Халқимизда ажойиб одат бор: улуг ишлар олдидан элнинг оқиллари билан кенгашиб, уларнинг маслаҳати олинади ва қилинажак ишлар шунга монанд режалаштирилади. Куни кеча Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг IV-қурултойи олдидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида тизимда фаолият юритаётган қурултой делегатлари вакиллари қабул қилинди. Олий ва ўрта махсус таълим вазири Баҳодир Ҳодиев касаба уюшмалари билан ҳамкорликда олиб борилаётган хайрли ишлар хусусида гапириб, жумладан, шундай деди:**



## Баркамол авлодни тарбиялаш — мақсадимиз

— Касаба уюшмалари томонидан олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган ишлар кўлами йилдан-йилга ортиб бормоқда. Нафақат ходимлар ва профессор-ўқитувчилар, балки талабаларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг саломатлиги, дам олиши, спорт билан шуғулланиши ҳамisha касаба уюшмалари назоратида бўлмоқда. Эътиборлиси шундаки, етим ва кам таъминланган талабаларга Марказий кенгаш томонидан шартнома тўловлари тўлаб берилаётгани, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ҳамкорлик алоқаларимиз янги босқичга кўтарилаётганидан далолат беради. Универсиада спорт мусобақаларини ўтказишда ҳам ташкилотнинг алоҳида хизмати бор.

Худди шундай учрашув Республика ўрта махсус, касб-хунар таълими марказида ҳам бўлиб ўтди. Марказ директори Шавкат Жавлонов делегатларни қурултой билан қутлар экан, тизимда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг натижаларига алоҳида урғу берди.

— Мамлакатимизда ёшларга катта эътибор қаратилмоқда. Биргина йилларга берилган номларнинг ўзиёқ келажакимиз эгаларига кўрсатилаётган ғамхўрликдан далолатдир. Истиқлол йилларида, айниқса, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида асрга татиғулик ишлар қилинди. Замонавий коллеж ва лицейлардан иқтисодиётимизнинг турли соҳалари учун минглаб замонавий касб ва дунёқарашга эга бўлган ёш авлод ҳаёти-мизга кириб келди. Улар бугун буюк болаларнинг муносиб ворислари сифатида жаҳон фан олимпиадалари, турли спорт мусобақаларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётгани қувончлидир. Биргина 51-халқаро математика олимпиадасида тўрт ўқувчимизнинг ку-

муш медалга сазовор бўлгани «Ўзбек модели»нинг дунёга доврुक солаётганидан далолат беради.

Шунингдек, Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган қабулда вазирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Дониёров қатнашиб, касаба уюшмалари ва вазирлик ўртасидаги ҳамкорлик соҳа ходимлари фаолияти ва турмуш тарзида ўз аксини топаётганини алоҳида таъкидлаб, тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши аъзоларининг асосий қисми халқ таълими тизимида хизмат қилаётганини эътироф этди.

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Носирхон Акбаров мазкур учрашуларда ҳамкорликда имзоланаётган тармоқ келишувлари асосида таълим тизимида олиб борилаётган эзгу ишлар ва галдаги вазифалар, ҳал этилиши лозим бўлган айрим муаммолар ҳақида тўхталди.

Иштирокчилар соҳага доир ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари ва Республика ўрта махсус касб-хунар маркази, шунингдек, тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгаши томонидан барча иштирокчиларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди. Делегатлар Мустақиллик майдонидаги маъмурий бинолар билан танишиб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйишди.

Шу куни қурултой делегатлари учун Ўзбекистон Давлат консерваториясида санъат усталари иштирокида концерт ташкил қилинди.

Бугун Тошкентда Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг IV қурултойи очилади.

## Қурултойдан қурултойгача

### Ижтимоий шерикчилик кучайтирилади ва мустаҳкамланади

**Кеча Ўзбекистон Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё sanoati ва геология ходимлари касаба уюшмасининг IV Қурултойи бўлиб ўтди. Унда беш йиллик фаолият юзасидан Марказий кенгаш раиси Гулбаҳор Ҳақимова маъруза қилди.**

Шундан сўнг тафтиш комиссиясининг раиси Мавжуда Умарованинг ахбороти тингланди.

Ҳар икки маъруза муҳокама юзасидан сўзга чиққан Марказий кенгашнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили Сейтмурот Бекимбетов, «Аммофос—Максам» очик акциядорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси Николай Авдеенко, Марказий кенгашнинг Андижон вилоятидаги вакили Саҳобиддин Умаров, «Янги Ангрэн» иссиқлик электростанцияси касаба уюшма кўмитаси раиси Ирода Мадарова, «Ўзбекэнерго» Давлат акционерлик компанияси бошқ-

аруви раисининг ўринбосари Рўзиқул Раимов ва бошқалар тармоқ касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот давридаги фаолиятига ўз баҳоларини бердилар.

Гулбаҳор Ҳақимова Ўзбекистон Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё sanoati ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг раиси этиб сайланди.

Қурултойда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова қатнашди ва касаба уюшма ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

(Қурултойлар ҳақидаги материаллар газетанинг 2-3-4-5 бетларида берилмоқда).

# Касаба уюшмалари



## «Кучоқ очиб халқ ичига борайлик...»

Эзгулик — маърифат, маънавият ва саховатдодир, дейди Шарқнинг буюк донишмандлари. Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг ўтган беш йиллик фаолиятига назар ташлар эканми, йўли эзгуликка туташ маърифат аҳли ҳаётида касаба уюшмалари муҳим аҳамият касб этаётгани, талаба-ўқувчилардан тортиб олимларгача, ўқитувчи-мураббий, хуллас, тармоқ ходимлари орасига кенг кучоқ ёйиб кириб бораётгани ва уларнинг энг ишончли ва кўнглига яқин ташкилотига айланганини бугун барча эътироф этмоқда.

— Жамият маънавияти маърифат аҳлининг қай даражада ҳимояланиши ва кадрланиши билан белгиланади, — дейди Марказий кенгаш раиси Носирхон Акбаров. — Уч босқичли замонавий таълим тизимининг жорий этилиши, ўқув муассасалари моддий-техник негизи такомиллаштирилиши, илғор педагогик технологиялар жалб этилиши соҳани тамомла ўзгартирди. Кадрлар тайёрлашнинг сифат кўрсаткичи бекиёс даражада ошди.

Меҳнат муносабатларини ижтимоий шерикчилик асосида олиб боришни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Республика миқёсидаги 3 та тармоқ келишуви, 26 та вилоят, 200 та туман ва шаҳар миқёсидаги жамоа келишувлари, бошланғич ташкилотларда эса 11708 та жамоа шартномаси тузилиб, улар орқали 1062927 на-

фар ходим ҳимояланмоқда.

Ҳар йили Давлат дастурлари асосида жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларига қўшимчалар киритиб келинмоқда. Давлат дастурлари асосида охириги беш йилда жамоа шартномалари орқали кам таъминланган оилалар вакилларига касаба уюшмаси ҳисобидан 719 млн., кексаларга 37 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўқитувчиларнинг ўртача иш ҳақи барча устама ва қўшимчалар билан бирга ҳисобланганда 2004 йилдагига нисбатан 2009 йилда 5,15 бараварга ошди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси тасарруфидаги 42 та олий таълим муассасасида 207 мингдан ортиқ талаба, мингдан ортиқ ўрта махсус касб-хунар таълими муассасасида 945 мингдан ортиқ ўқувчи таълим олмақда.

— Истеъдодли ёшлар — миллат умиди, ватанмизнинг олтин захирасидир, — дейди Марказий кенгаш раиси. — Етуқ кадрлар тайёрлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, истеъдодлиларни рағбатлантириш, соғломлаштириш, қўйинги, ёшлар масаласи касаба уюшмаларининг ҳам энг эзгу ишларидан ҳисобланади.

Ҳисобот даврида 36680 нафар ходим санаторий ва дам олиш уйларида, 29410 нафар ходим эса санаторий-профилакторийларда соғломлаштирилди. Марказий кенгаш ташаббуси билан республика олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, таълим муассасалари ходимлари ва

Ўзбекистон Фанлар академияси илмий ходимлари ўртасида ўтказилган спартакиада иштирокчилари бўлган 800 га яқин илмий ва педагог ходимлар «Бўстон» санаторийсида дам олдирилиб, соғлиғини тиклади.

2009 йилнинг апрел-май ойларида «Чортоқ», «Бўстон», «Қашқадарё соҳили» ва «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийларида 400 нафар умутаълим мактабларининг бошланғич касаба уюшма ташкилоти раислари соғломлаштирилиб, улар учун минтақавий ўқув семинарлари ташкил этилди.

2005-2009 йилларнинг қишқи таътил даврида Марказий кенгаш ва Гулистон давлат университетини маъмурияти ҳамкорлигида иқтидорли 60 нафар талаба Қибрай туманидаги «Ботаника» санаторийсида дам олдирилди ҳамда улар иштирокида «Камолот — келажак таянчи» қишқи фоллар мактаби ташкил этилди.

Ҳисобот даврида шаҳардан ташқари ва мактаблар қошидаги оромгоҳларда 255231 нафар ўқувчи дам олдирилди. Соҳа ходимлари фарзандларини ёзги оромгоҳларда дам олдириш мақсадида 96,5 млн., республика олий ўқув юртлиари қошидаги санаторий-профилакторийларда талабаларни соғломлаштиришга 20,1 млн., Абдулла Авлоний номидаги республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти қошидаги санаторий-профилакторийда педагог ходимларни соғломлаштириш учун 5,5 млн. сўм маблағ сарфланди. Оролбўйи минтақасида истиқомат қиладиган 4064 нафар

ўқувчи Тошкент, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг сўлим соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдирилди.

Республика бўйича тармоқ таълим муассасаларида, талабалар ва ўқувчилар турар-жойларида 13 мингга яқин маънавият хоналари замон талаблари даражасида ташкил этилган бўлиб, бу ерда тармоқ ходимлари ва талабалар билимларини бойитиш ҳамда дам олишлари учун шароитлар яратилган. Марказий кенгаш раҳбарлигида кўплаб хайрли тадбирлар, жумладан, ўқитувчи ва талабаларнинг тарихий зиёратгоҳларга саёҳатлари уюштирилмоқда. Ҳисобот даврида 22321 нафар ёшлар шундай саёҳатларнинг иштирокчиси бўлди.

Айни кунда республика таълим ва илмий муассасалар ходимлари ҳамда талабаларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун 2671 та стадион, 27854 та спорт майдончаси, 8131 та спорт зали, 102 та чўмилиш ҳавзаси, таълим муассасаларида 48 та жисмоний тарбия ва спорт жамоалари ҳамда клублари фаолият кўрсатмоқда, 300 мингдан кўпроқ ходим ва талаба-ўқувчи спорт секцияси ва гуруҳларида шуғулланмоқда.

Ҳисобот даврида «Оилавий кросс», «Отам, онам ва мен», «Полвон ота, энчил она, соғлом бола», «Алпомиш ва Барчиной» спорт мусобақалари ҳамда хотин-қизлар спартакиадалари ташкил этилиб, уларда минглаб тармоқ ходимлари қатнашди.

Ўтган даврда Марказий кенгашга тушган ёзма ва оғзаки мурожаатлар таҳлилига кўра, ҳақ-хуқуқлари поймол бўлган 212 нафар ходим касаба уюшма аралашуви билан ўз вазифасига тикланган. 72 млн. сўм миқдорда моддий ва маънавий зарар ундирилган.

Хуллас, тармоқ касаба уюшмаси Чўлпон айтганидек, «кучоқ очиб халқ ичига» кириб, эзгуликлар улашмоқда.

Ўз мухбиримиз

Меҳнат муҳофазаси

## Бир кунлик тадбир эмас

Меҳнат муҳофазасини меъёрий ва молиявий таъминлаш, корхоналарда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларидан ижтимоий суғурта қилиш, мажбурий тиббий кўрикларни ташкиллаштириш, ходимларни ўқитиш касаба уюшмасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари, сайланган вакиллари ва комиссияларининг доимий назоратидадир.

6722 касаба уюшма кўмитаси фаолияти ўрганилиб, 23831 та меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунлар, қоида ва меъёрларнинг бузилиш ҳолатлари аниқланди. Улардан 20659 таси касаба уюшма органи аралашуви билан баргараф қилинди. Ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимлар ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг 547 тасига ҳуқуқий маслаҳат тариқасида ёрдам берилди. 1169 та болалар соғломлаштириш оромгоҳининг техник ҳолати ва соғломлаштириш мавсумига тайёрлигини апрофлича ўргандик. Меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассислари биргина 2009 йилда 32 та таълим муассасасида меҳнат шароитларини аттестациядан ўтказишда иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда, педагог ва ўқувчилар учун меҳнат, ўқиш шароити меъёрий даражага келтирилди. Бу эса, табиийки, таълим самарадорлигини кескин оширишга имкон берди.

**Р. МУЛЛАХМЕТОВ,**  
Марказий кенгашнинг  
меҳнатни муҳофаза қилиш  
бўйича бош мутахассиси



## Билими зўр мингни йиқар...

Илм-фан қанчалик тараққий этса, ҳаёт шунчалик фаровон бўлади. Ҳозирги кунда Фанлар академияси тасарруфидаги илмий-тадқиқот институтлари ва муассасаларда 97 нафар академик, 261 нафар профессор, 448 нафар фан доктори, 1041 нафар фан номзоди, 752 нафар катта илмий ходим, 387 нафар аспирант фаолият олиб бормоқда. Олимлар меҳнати ҳукуратимиз томонидан юқори баҳоланиб, ҳисобот даврида 37 киши Давлат мукофотлари билан тақдирланди. Икки нафари Ўзбекистон Қаҳрамони бўлди.

Олимларимиздан 3 нафарига Фан арбоби, 2 нафарига Хизмат кўрсатган иштироки ва рационализатор фахрий унвонлари берилди.

Тараққиёт ва куч-қудратнинг таянчи ёшлардир. Интеллектуал салоҳиятга эга йигит-қизларни ижтимоий-иқтисодий рағбатлантириш эса асосий вазифамиз ҳисобланади. Ўтган даврда 40 нафар ёш тадқиқотчи, аспирант ва докторантни ўзида бирлаштирган «Ёш олимлар кенгаши» ташкил қилинди. ФА ҳайъати билан ҳамкорликда ёш олимларнинг илмий изланишлари, инновацион лойиҳаларини ривожланти-

риш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Марказий кенгаш томонидан кам таъминланган, иқтидорли, жамоатчи аспирантларга ғамхўрлик йил сайин кучайиб бормоқда. Ҳисобот даврида Академияда таҳсил олаётган аспирантлардан 8 нафарига 1 млн. 643 минг сўм миқдорда махсус устама стипендия берилди.

Шунингдек, ФА маъмурияти тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши билан ҳамкорликда илмий-амалий конференция ташкил этиб, ёш олимларнинг илмий мақолалари тўплами чоп этил-

Эътироф

ди. «Юсак маънавиятли оила ёш олимлар нигоҳида», «Баркамол авлод тарбиясининг маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий ва иқтисодий масалалари», «Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари ёш олимлар тадқиқотларида» мавзуларида анжуманлар ўтказилди. Тадбирлар доирасида «Энг яхши илмий мақола», «Энг яхши инновацион гоё», «Энг яхши илмий раҳбар» ва бошқа номинациялар бўйича ғолиб ва совриндорларга Бирлашган кўмита томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари улашилди.

**Шерзод Жўраев,**  
ЎзРФА бирлашган  
касаба уюшма  
кўмитаси раиси

# ХОДИМЛАРНИНГ ҲАМКОРИ ВА ТАЯНЧИ

## Миллий ғоя тарғиботи

Дунёқарашни бунёдкор ғоялар билан озиклантириш, бўш вақтни сермазмун ўтказишда маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти бекиёс. Касаба уюшма кўмитаси бу борада ректорат билан ҳамкорликда эзгу ишларни амалга оширомоқда.

## Талабанинг бўш пайти йўқ

Ҳар чорақда «Ота-оналар куни» ташкил этилади. Тадбирдан кўзланган мақсад талабаларни миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш ва мафқуравий ишларни янги даражага кўтаришдир. Учрашувда ота-оналарга фарзандларининг эришган ютуқлари, айрим ёшлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида ахборот берилди.

Шунингдек, «Ёш социологлар», «Ёш юристлар», «Ёш иқтисодчилар», «Ёш сиёсатчилар», «Ёш тарихчилар», «Ёш журналистлар», «Ёш экологлар» клубларида баҳс-мунозара кечалари ҳамда «Талабалар турар-жойи — ўз уйим», «Намуна олинг ва намуна бўлинг», «Энг тоза қават», «Энг тоза хона», «Қизлар давраси» каби турли танловлар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Ҳар ойнинг сўнги пайшанбасида ўтказиладиган «Маънавият куни»да маданий марказлар, театр ва музей, тарихий шаҳарларга саёҳат уюштирилади.

Президентимизнинг «Юсак маънавият — енгилмас куч» асарини ўрганиш бўйича ўтказилган семинар-тренинг ёшларимиз қалбида

миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш ҳамда мафқуравий иммунитетни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида олий таълим муассасалари ўртасида бўлиб ўтган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўриктанловининг 3-босқичида университетимиз жамоаси 1-ўринни эгаллади.

Бердақ миллий музейида «Халқ донолигининг дурдоналари» мавзусида таниқли олимлар билан магистрантлар учрашуви уюштирилди. Унда араб, форс тилида ёзилган қорақалпоқ шоирларининг ижодини ўрганишга доир қимматли фикрлар билдирилди.

«Болаларнинг бегонаси бўлмади» мавзусидаги талаба қизларнинг бу йилги анъанавий хайр-саховат акцияси чоғида йиғилган совға ва юмшоқ ўйинчоқлар Нукус, Хўжайли туманларидаги кам таъминланган оила фарзандлари ва боғча ёшидаги камқон болаларга улашилди.

**З. ЕСЕНБАЕВ,**  
Қорақалпоқ давлат университети  
касаба уюшма кўмитаси раиси

## Изҳор



Истиқлол йилларида ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу эътибор ва ғамхўрликни кенг имкониятларда, билим олишимиз, илм-хунар сирларини ўрганишимиз учун яратилган шарт-шароитларда яққол кўришимиз мумкин. Касаба уюшма ҳам иқтидоримизни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда алоҳида жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

## Орзуимга қанот бўлди...

Талабаликнинг илк кунларидаёқ бунинг гувоҳи бўлдим. 2006 йилда Бухоро юридик ва маиший хизмат коллежининг 1-босқичига қабул қилиндим. Ўқишда эришган муваффақиятим, фаоллигим, ташкилотчилигим, ижодий изланишларим самарасиз кетмади. 2007-2008 ўқув йилида тармоқ касаба уюшмаси томонидан иқтидорли талаба ёшлар учун жорий этилган стипендия совриндори бўлдим.

Бу ютуқ кейинги фаолиятим учун замин, орзуларимга қанот бўлди. Ўз устимда ишлаб, изланиб, билимимни мустаҳкамлаб бордим. Касаба уюшма ташкилоти, коллежда ўтказиладиган тадбирлар учун ёзган сценарийларим, болажонлар учун тайёрлаган эртақ-пьесаларим, вилоят телевидениесидаги ижодий фаолиятим юқори баҳоляниб, 2007 йилда Юртбошимиз томонидан ёш истеъдо эгалари, иқтидорли қизларни рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти, 2009 йилда эса Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факултети талабаси бўлиш бахтига сазовор бўлдим.

Ҳаётда ўз ўрнимни топишда, орзуларимни амалга оширишда менга куч бағишлаган касаба уюшма ташкилотидан миннатдорман.

**Зебинисо МУРОДОВА,**  
Зулфия номидаги Давлат  
мукофоти совриндори



## Ташаккурнома

# Адолат тикланди

Биз Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтида кўп йиллардан буён ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқдамиз.

Аммо институтда кейинги пайтда айрим раҳбарлар томонидан ноҳақликларга йўл қўйилди. Шунинг учун ҳам таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгашига институт ректорининг 17.05.2008 йилдаги 115-сонли буйруғи билан асоссиз ишдан бўшатишимизни ёзма равишда маълум қилган эдик. 2008 йилнинг 27 июн куни институт ректорига тақдимнома киритилди. Аммо ректор киритилган тақдимномада кўрсатилган талабларни бажаришдан бош тортди ва иш судга оширилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро суди 2008 йилнинг 7 август куни ишни кўриб чиқиб, 20 нафар профессор-ўқитувчига мажбурий прогулда юрган вақти ҳамда етказилган маънавий зарарни ундириш ҳақида қарор чиқарди.

Адолатнинг тикланишида бизнинг энг яқин кўмакчи ва ғимоячимиз бўлган таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгашига кўрсатган барча хизматлари учун катта миннатдорчилик билдирамиз.

Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти профессор-ўқитувчилари номидан:

**Р. ҲОЖИМАТОВ,**  
**Б. РАЖАББОВ**

## Дунё билан ҳамнафас

Марказий кенгашимиз бир нечта халқаро ҳамда бутунжаҳон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари, шунингдек, ўқитувчилар ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Ҳисобот даврида халқаро алоқалар янада ривожланди. 25 нафар фаолигимиз хорижий мамлакатларда ўтказилган 13 та халқаро анжуманда иштирок этди. Ўтган даврда 180 нафар касаба уюшма фаоллари иштирокида республикамизда 5 та халқаро семинар ўтказилди.

# Халқаро ҳамкорлик

Тармоқ касаба уюшмаси Халқаро Меҳнат ташкилотининг «ИПЕК-болалар меҳнатига барҳам бериш» дастури ва Европа Иттифоқи комиссиясининг «Ўзбекистонда ўқитиш ва таълим соҳасида ижтимоий ҳамкорлик» ТАСИС лойиҳаси доирасида самарали фаолият олиб борди. Шунингдек, Халқаро касаба уюшмалари ташкилоти ҳамда Халқаро Таълим ташкилоти — «Education International» билан ҳамкорлик давом эттирилмоқда.

Жумладан, Халқаро Меҳнат ташкилоти (ХМТ) томонидан ўтказилган семинар ва йиғилишларда болалар ва ёшларнинг ҳаёт тарзини талаб даражасида олиб боришда тармоғимизнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар кўмиталари, «Соғлом авлод», «Маҳал-

ла» жамғармалари билан ҳамкорликда иш олиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Тармоқ касаба уюшмаси 2003 йилдан бошлаб Халқаро Таълим ташкилоти — «Education International» билан самарали ҳамкорлик олиб бормоқда. 2006 йили ташкилотнинг Осие-Тинч океани ҳудудий конференциясида унинг ижроия кўмитасига кенгаш раиси Н.Ақбаровнинг Марказий Осие республикалари таълим ва фан ходимлари касаба уюшма ташкилотлари номидан аъзо этиб сайланганлиги дилда фахр уйғотади.

ХТТ «Education International» 1993 йилда ташкил этилган бўлиб, бутунжаҳон ўқитувчилар ва таълим ходимлари касаба уюшмаси Федерацияси ҳисобланади. Ташкилотнинг 30 милли-

ондан ортиқ аъзоси жаҳоннинг 172 та давлатида фаолият олиб бораётган 401 та касаба уюшма ташкилоти вакиллари дур.

ХТТ ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, жаҳон иқтисодий инқирози шароитида дунёнинг айрим давлатлари томонидан таълим соҳасига ажратилиши лозим бўлган маблағ миқдори қисқартирилаётган бир пайтда, Ўзбекистонда давлат бюджети ҳисобидан маблағ ажратилиши кўпайган бўлиб, бу ўз навбатида олиб борилаётган ислохотларнинг тўғрилигидан далолат.

**Дилафруз КАБИРОВА,**  
Марказий кенгашнинг  
халқаро ишлар бўйича  
етақчи мутахассиси

Кўшсаҳифани «Ishonch» муҳбири  
Амина КОДИРОВА тайёрлади.  
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

# Касаба уюшмалари

## Хисобот даврида

Касаба уюшмаси Марказий кенгаши билан барча тармоқлар бошқаруви ўртасида амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ тариф келишувлари тузилди.

Мазкур ҳужжатлар асосида корхона ва ташкилотлар (411 та) жамоа шартномалари билан тўлиқ қамраб олинди. Келишувлар ва жамоа шартномаларининг сифати ҳамда таъсирчанлиги кучайтирилиб, қатор корхона ва ташкилотларда уларнинг ижросини мунтазам равишда таҳлил ва назорат қилиб боровчи меҳнат консалтациялари тизими йўлга қўйилди.

Жамоа шартномалари орқали 250 га яқин корхонада 186 минг нафардан ортиқ ходим асосий ўзайтирилган таътилдан фойдаланмоқда, 330 дан зиёд корхонада 190 минг нафарга яқин ходимга қўшимча таътиллар белгиланган, 97 минг нафардан кўпроқ ходим қайта ўқитилди ва малакаси оширилди.

Тўрт минг нафар ёш аёлнинг туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътили ўзайтирилди. 3900 нафарга яқин кўп болали аёлларнинг иш ҳафтаси иш ҳақлари сақланган ҳолда бир соатга қисқартирилди. 400 нафарга яқин ёш оилаларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун фойзсиз ссудалар ажратилди. Олий ва ўрта махсус ўқув юрларида тахсил олаётган 450 нафардан зиёд талаба учун контракт пуллари тўланди.

Ўртача иш ҳақининг миқдори нефт-газ тармоғида 2,8, энергетика тармоғида 2,5, кимё саноатида 3 ва геология тармоғида 3,7 баробарга ошди. 2009 йил якуни бўйича республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 10-12 баробарига, ягона тариф сеткасидаги «0» разряд миқдори эса республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 1,3-1,5 баробарига етказилди.

Нодавлат ва хусусий сектордаги 27 та корхонада касаба уюшма ташкилоти тузилиб, 1,5 минг нафарга яқин ходим аъзоликка қабул қилинди. Касаба уюшма аъзоларининг сони қарийб 40 минг нафарга кўпайди.

## Етакчи минбари



# Бунёдкорлик

Касаба уюшма кўмитаси таркибига кирувчи бошланғич цех касаба уюшма кўмиталари бугунги кунда 12 тани, улардаги касаба уюшма аъзолари сони 1471 нафарни ташкил этади.

Корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш қонунлар доирасида амалга оширилади. Хисобот йиллари мобайнида иш ҳақининг ўсиб боришига эришилди. 2005 йилда корхонада энг кам иш ҳақи 150020 сўмни ташкил қилган бўлса, 2009 йилга бориб 317024 сўмга етказилди.

Бандликни таъминлаш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Корхонада мавжуд бўлган иш ўринларига меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган ночор, моддий ёрдамга муҳтож оилаларнинг болаларини иш билан таъминлаш, туман меҳнат биржасида иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган фуқароларни йўлланма билан ишга қабул қилиш борасида муайян силжишларга эришилди. Хусусан, 2009 йилда 55 нафар фуқаро ишга қабул қилинди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилиб, 133 та қўшимча иш ўрни

очилди. 12 кишидан иборат касаначилик гуруҳи ташкил этдик.

5 йил мобайнида касаба уюшма кўмитаси саъй-ҳаракати билан туман, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мутасаддилари, Марказий кенгаш ҳуқуқшунослари тақлиф қилиниб, «Сиз ўз ҳуқуқингизни биласизми?», «Ҳуқуқий маданият — қонун ус-туворлиги», «Истеъмолчи ҳуқуқи» каби мавзуларда дав-ра суҳбатлари ташкил қилинди.


Ёшларимиз ишдан бўш вақтларини мароқли ўтказишлари учун энергетиклар шахарчаси

бўлими Нуристонда янги теннис корти куриб, фойдаланишга топширилди. Мавжуд стадион буткул таъмирдан чиқарилди.

«Баркамол авлод йили» муносабати билан вилоят ҳокимлиги тавсиясига кўра, иқтисоди оғир бўлган ташкилотлар ҳисобидаги оромгоҳлар салоҳияти юқори бўлган корхона ва ташкилотлар тасарруфига ўтказилди. Шу муносабат билан «Талимаржон иссиқлик электр станцияси» унитар корхонаси ҳисобига ҳам Яккабоғ туманида жойлашган «Соҳибқирон» номли болалар оромгоҳи топширилди. Бевосита

касаба уюшма саъй-ҳаракати билан ушбу оромгоҳ таъмирдан чиқарилиб, ёзги мавсумда ўз фаолиятини бошлади. 1000 дан ортиқ ишчи-ҳодимларнинг фарзандлари соғломлаштирилди.

**Анвар АШИРОВ,**  
«Талимаржон иссиқлик электр станцияси» унитар корхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси



**Ўзбекистон Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмасининг III курултойида бошланғич ташкилотлар олдига фаолиятни ҳар томонлама кучайтириш ҳамда меҳнаткашлар ўртасидаги мавқеини мустаҳкамлаш каби вазифалар қўйилганди. Бу борада қандай ишлар амалга оширилди? Мухбиримиз «Максам-Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма кўмитасининг раиси Бахтиёр Абдуллаев билан шу ҳақда суҳбатлашди.**

— Фаолиятимизни республикамиз Конституцияси ҳамда қонунлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари IV Курултойи қарорлари ҳамда Устави ва Ҳаракат дастури асосида олиб бормоқдамиз. Бошланғич ташкилот қошида тузилган 6 та ишчи комиссия йиллик иш режа асосида фаолият юритиб келди. Жамоа шартномаси меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашнинг асосий омили эканлигини ҳисобга олиб, Марказий кенгашнинг тавсияси асосида тузилган «Икки томонлама меҳнат консалтациялари комиссияси» кўнгилдагидек иш олиб борди.

Жамоа шартномаси ижроси юзасидан комиссия 29 та йиғилиш ўтказди. Ишчи-хизматчилардан тушган 174 та тақлиф чуқур ўрганиб чиқилиб, аксарияти мазкур ҳужжатда ўз аксини топди. Кейинги беш йил мобайнида ҳар бир ишчига сарф этилган маблағ 20 баробар ошиб, 2009 йилда бу рақам 6 млн. 27 минг сўмни ташкил этди.

— Бахтиёр ака, корхонада меҳнат муҳофазаси борасида амалга оширилган ишлар билан ҳам танишиб чикдик. Натижалар кўнгилдагидек. Бу кўрсаткичга қандай эришилди?

— Ёдингизда бўлса керак, Ўзбекистон касаба уюшмаларининг III Курултойида «Касаба уюшмалари қанчалик қудратли бўлса, иш ўринла-

## Ваъда

### Сафимиз мустаҳкамланмоқда

Хисобот-сайлов йиғилиши ҳар бир бошланғич ташкилот фаолиятида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Чунки унда 5 йил давомида амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил этилиб, истиқбол режалари белгилаб олинади. Шунингдек, сафимиз ёш ва иқтидорли кадрлар ҳисобига янада мустаҳкамланмоқда. Шуни ҳисобга олиб, «Зарафшон геология қидирув экспедицияси» давлат корхонасининг ҳисобот-сайлов йиғилишида фаолиятга доир энг муҳим масалалар кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хисобот даврида маъмурият ҳамда касаба уюшма ташкилоти жамоа шартномасига асосан пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, спорт ишларига асосий эътиборни қаратди. Меҳнат таътилига чиқиш даврида бериладиган моддий ёрдам 67 млн. 950 минг сўмни ташкил этди. Юбилей ёшени нишонлаганлар 12 млн. 850 минг сўм миқдорида рағбатлантирилди. 2278 нафар фарзандимиз ёзги таътилда мароқли дам олдирилди.

Галдаги ишларни ҳам режалаштириб олганмиз, албатта. Касаба уюшма етакчиси сифатида уларнинг амалга оширилишида сидқидилдан хизмат қиламан.

**Ойбек ИСМОИЛОВ,**  
«Зарафшон геология қидирув экспедицияси» корхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси

ри шунча хавф-хатарсиз бўлади» деган шиор ўртага ташланган эди. Фаолиятимиз давомида шунга риоя этиб келяпмиз. Бу борада тармоқ касаба уюшмаси вилоят ва Марказий кенгаш мутахас-

# Очиқ юз

сислари ҳам ҳар томонлама ёрдам кўрсатишмоқда.

Корхонамизда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунга асосан жамоатчилик назоратини олиб бориш учун 354 нафар вакил сайланган. Биз маъмурият билан келишган ҳолда «Энг яхши вакил» кўрик-танловини ўтказдик. «Кимёгарлар куни»да юқори ўринни эгаллаган меҳнат муҳофазаси

# ХОДИМЛАРНИНГ ҲАМКОРИ ВА ТАЯНЧИ

**Сапура МҶМИНОВА,**  
Марказий кенгашнинг  
Фарғона вилоятидаги  
вакили

Тармоқ корхоналарида ўтган даврда жамоа шартномалари бандларининг бажарилиши 97,98 фоизни ташкил қилди. Вилоят корхоналарида ҳар бир ишчига қўшимча даромад миқдори жамоа шартномалари орқали 2009 йилда 363 минг 300 сўм бўлгани ҳолда, бизнинг тармоқ корхоналарида 2 млн. 329 минг сўмни ташкил этди.

Иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида тузилган тармоқ-тариф келишувларининг самараси туфайли иқтисодий манфаатдорлик, рағбатлантириш миқдори ҳисобот йилларида ошди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи шўба унитар корхонаси, «Фарғонаазот» очик акциядорлик жамияти, Фарғона электр тармоқлари, Фарғона эссиқлик электр маркази, «Қўқонспирт» ОАЖ-

ларда кам таъминланган оилаларга корхона ҳисобидан ходимларнинг никоҳ тўйлари, юбилей саналари муносабати билан моддий ёрдам бериб келинмоқда.

Мазкур ташкилотларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида аёлларга 5 ойдан туғишгача таътил берилишидан ташқари, фарзанд кўрганда энг кам иш ҳақининг 5 баробари, 2 ёшдан 3 ёшгача бола тарбияси билан машғул бўлган пайти учун эса 3 баробари миқдорда моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ҳисобот даврида жамоа шартномаларини амалга татиқ этиб, 22623 нафар меҳнаткаш ва уларнинг оила аъзоларига 597 млн. 965 минг 600 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида эса шу даврда 11859 нафар ўғил-қиз дам олдирилди.

## Сўз — курултой делегатларига



Бироқ тармоқ корхоналарида ишчи-хизматчиларни махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш сингари муаммолар ҳам учраб турибди. Қолаверса, айримлари талаб

даражасида эмас. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун корхоналар маъмурияти масъулиятини ошириш зарур. Бу фикр курултойда ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

**Самия МАҲМУДОВА,**  
«Фарбгазтаъминот» унитар  
корхонаси

касаба уюшма кўмитаси раиси  
«Фарбгазтаъминот» унитар корхонаси касаба уюшма ташкилоти 22 та цех кўмитасидан иборат бўлиб, Бухоро, Навоий вилоятларида меҳнат қилаётган 2984 нафар аъзони бирлаштирган.

Ҳисобот даврида касаба уюшма

кўмитаси корхона маъмурияти билан биргаликда ходимларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш бўйича режалаштирилган ишларни амалга оширди. Жамоа шартномаси орқали ходимларимиз учун имтиёз ва энгилликлар яратилган. Масалан, ходим меҳнат таътилига чиққанда, иш стажига ва бажарилаётган ишнинг мураккаблигига кўра, 3 кундан 12 кунгача қўшимча таътил ва бир ойлик иш ҳақи миқдорда моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бундан ташқари, тушлик ва йўл харажатлари ҳамда ходимларнинг мактаб ёшидаги болаларига ўқув қуроллари сотиб олиши учун энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорда, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиши учун компенсация пуллари тўланмоқда.

Ходимлар ўртасида маданий-маърифий ва спорт

тадбирларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилиб, голиблар «Фарбгазтаъминот» унитар корхонаси касаба уюшма кўмитаси томонидан ўтказилаётган спартакиада ва кўрик-танловларда фаол қатнашишмоқда. «Бухорошаҳаргаз», «Когонгаз», «Вобкентгаз», «Қизилтепагаз», «Хатирчигаз», «Кармангаз», «Олотгаз» жамоалари шулар жумласидандир.

Жойларда фаолият кўрсатаётган 44 нафар меҳнатни муҳофаза қилиш вакилининг саъй-ҳаракати туфайли охириги йилларда иш жараёни билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса содир бўлмади.

Ходимлар орасида касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини кенг тушунириш, меҳнатни муҳофаза қилиш вакилларининг фаоллигини ошириш мақсадида тармоқ касаба уюшма вакиллиги билан биргаликда ўқув-семинар ва давра суҳбатларининг доимий равишда ўтказилиши ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Курултойда биз делегатлар мавжуд муаммолар борасида ўзаро суҳбатлашиб, фикр алмашдик. Аминманки, ечимини кутаётган айрим масалалар юқори касаба уюшма ташкилотлари ёрдамида ижобий ҳал бўлади.



Икром ҲАСАНОВ олган сурат

бўйича вакиллар қимматбахо мукофот билан тақдирланиши.

Шунингдек, тарғибот ва ташвиқот ишларини ҳам кучайтирганмиз. Радиоузел орқали меҳнат муҳофазаси

ган жойда меҳнат унвондорлиги ошиши ҳам табиий. Касаба уюшма ташкилоти бу масалага қандай ёндашмоқда?

— Корхонамиз бўйича касалланиш таҳлилини ўтказ-

# билан

ҳамда техника хавфсизлиги масаласига бағишланиб 15 дақиқалик суҳбат узатилади. Корхонада чоп этиладиган «Ахборотнома» газетаси орқали ҳам мазкур йўналишдаги долзарб вазифалар изчил ёритилиб, йўл қўйилган камчиликлар танқид остига олинади.

— Соғломлаштириш ҳамда спорт ишлари ривожланишида олиб борил-

дик ва кейинги уч йил давомида бу кўрсаткич 3 баробар камайганлигининг гувоҳи бўлди. Чунки соғломлаштириш масаласига алоҳида эътибор беряпмиз. Ходимлар ёзги мавсумда «Оқтош — кимёгарлар оромгоҳи»да ва тиббий реабилитация марказида соғлиқларини тиклашмоқда. Йилига 1,5 минг киши тиббий реабилитация марказида имти-

## Бошланғичлар ҳаётдан

ёзли равишда даволаняпти. «Кимёгар» болалар соғломлаштириш оромгоҳида 700 нафар фарзандимиз мириқиб ҳордиқ чиқаришяпти.

Оммавий спортга ҳам ходимлар кенг жалб этилмоқда. Шунингдек, касаба уюшма ташкилоти қошидаги оммавий маданий ишлар бўйича комиссиянинг иш режаси асосида Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарларига саёҳатлар ташкил этилди. «Энг яхши токар», «Энг яхши электргазпайвандчи», «Энг яхши лаборант», «Энг яхши ошпаз», «Ёш иқтидорлар», «Баҳор ва аёл», «XXI аср ўғлони», «Ўлкамизнинг олтин мероси» каби кўрик-танловлар ўтказилмоқдаки, бу касбий маҳоратнинг юксалишида ва бўш вақтни мазмунли ўтказилишида му-

ҳим аҳамият касб этипти.

— Касаба уюшмаси Марказий кенгашнинг навбатдаги курултойига қандай ютуқлар билан келдингиз?

— Корхонамиз Марказий кенгаш томонидан ўтказилган «Энг намунали касаба уюшма кўмитаси» танловида 2008, 2009 йилларда голиб деб топилди. Яна шу йилларда «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш» бўйича Тошкент вилоятида 1-ўрин соҳиби бўлдик. «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакил» унвони 2008 йилда аммиак цехининг таъмирловчи-чилангари Б.Ҳасановга насиб этди.

**Р.НЕЪМАТОВ**  
суҳбатлашди

## Ҳисобот даврида

Бандликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилиб, 18 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилди. Жойлардаги меҳнат органлари орқали 32 минг нафардан зиёд, шу жумладан, 8600 нафардан ортиқ ногирон, болали аёллар ва меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган шахслар ишга жойлаштирилди. 2006 йилдан бошлаб ўтган давр ичида нефт-газ, энергетика, кимё ва геология тармоқларидаги 80 дан ортиқ йирик корхоналарда касаначилик жорий этилиб, уларнинг 4300 нафарга яқини билан меҳнат шартномалари тузилди. Касаначиларнинг 3900 нафардан зиёди аъзоликка қабул қилинди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик назоратини ташкил қилиш, иш жойларида соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилишини таъминлаш ҳамда назорат қилиб бориш борасида касаба уюшма органлари комиссиялари ва сайланган ваколатли вакиллар фаолияти кучайтирилди.

Сайланган ваколатли вакиллар сони 900 кишига кўпайиб, 5200 нафардан ошди. Меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун жамоа шартномалари орқали сарфланган маблағ миқдори қарийб 1,5 баробарга ошиб, 2009 йилда 9,6 млрд. сўмга етди.

Касаба уюшма органларининг аралашуви ва талаби билан ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисалар туфайли вафот этган ва ногирон бўлиб қолган ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларига 24 млн. сўмдан зиёд бирйўла тўланадиган тўловлар ва ойма-ой тўланадиган нафақа пуллари ундириб берилди.

Тармоқ тариф келишувлари ва жамоа шартномаларига ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш масалалари юзасидан қатор имтиёзлар киритилди. Бу борада, айниқса, кўп болали ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларга алоҳида эътибор берилди. Жами 84 минг нафарга яқин тармоқ ишчи-хизматчиси санаторий, санаторий-профилакторий ва дам олиш уйларида соғломлаштирилди.

Кўшсаҳифани  
«Ishonch» муҳбирлари  
Неъмат РАФИҚОВ ва  
Шерзод АБДУСАМАДОВ  
тайёрлади.

## Даромадга қараб буромад

Дастлаб 25 минг тонна дон жойлашадиган биринчи элеватор ва омборлар, сўнгра комбинатнинг суткасига 310 тонна бугдойни қайта ишлайдиган, 240 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга қисми барпо этилганини кўпчилик яхши эслайди. Мустақилликка эришилган кунларда 650 тонна омухта ем ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги цех ҳам тўла қувват билан ишлаб бошлади.

Энг муҳими, фаолиятимизни замон талабларига мослаш учун тинимсиз ҳаракат қилинмоқда. Иш жойлари қулай ва соз. «Ободонлаштириш ойлиги» муносабати билан шарт-шароитни янада яхшилашга эътибор кучайтирилди. Жумладан, чанг юткич мосламалар капитал таъмирланди. 900 нафар ишчи-хизматчи қўлни қўлга бериб меҳнат қилаётир.

Сара уруғлик дон — мўл ҳосил гарови. Излаш ҳам шунга яраша. Биологаторияда 50 нафардан зиёд киши меҳнат қилаяпти. 33 гектар майдондаги ҳўжаликда турли полиз маҳсулотлари етиштириляпти. Арзонлаштирилган нарҳда тушлик ташкил этилган. Беларусдан 21 бош зотли гунажин келтирилганди. Ҳозир улар соғин сигирга айланган. Бузоқлар ҳам тезда бўй кўрсатмоқда. Ишчи-ходимларга сут, қатик маҳсулотлари бепул тарқатилаяпти. Мавжуд жамоа шартномасида меҳнаткашларнинг манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари тўла қафолатланган. Кам таъминланган, иқтисоди ночор оилаларга имкон қадар кўмаклашилмоқда. Масалан, уларга тез-тез гўшт, тухум ва бошқа маҳсулотлар бериб турилибди. Никоҳ ва суннат тўйларига энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдоридан ёрдам қилинмоқда. Шу йилнинг ўзида 20 нафар талабгор бепул йўлланма олиб, республиканинг турли сихатгоҳларида ҳордиқ чиқариб қайтди.

Комбинатимиз қошидаги цех ҳамда новвойхона маҳсулотлари Нарпай тумани ҳудудидаги дўконларимизга узлуксиз етказиб берилаётир. Иштихон, Каттақўрғон, Пахтачи, Қўшработ туманларида ҳам шундай дўконлар очиш ниятидамиз.

Иззат ЭРГАШЕВ,  
«Оқтошдон» АЖ бошланғич  
касаба уюшма кўмитаси раиси



## Хайр, оромгоҳ! Салом, мактаб!

Мана, ёзнинг сўнги ойи ҳам ўтиб бормоқда. Шу кунларда оромгоҳларда кўнгилдагидек дам олган болалар кўвноқ кайфиятда уйларига қайтаюпти.

Хушманзара тоғли ҳудудда жойлашган «Бурчмулла» болалар оромгоҳида Ўзбекистон темир йўлларига қарашли «Ўзтемирийўлмаштаъмир» унитар корхонаси ишчи-хизматчиларининг 871 нафар фарзанди уч навбатда дам олишди.

Оромгоҳнинг ёпилишига бағишланган тантанали кечада болаларга яхши хизмат кўрсатган ходим, тарбиячи ва етакчилардан 30 нафари Ўзбекистон темирийўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда корхона касаба уюшма кўмитаси совғалари билан тақдирланди.

Оромгоҳда болаларнинг бир кунлик овқатланишига 4700 сўм сарфланди ва кунига тўрт маҳал овқатлантирилди.

Мавсум давомида турли спорт тад-

бирлари: футбол, волейбол, стол теннис, сузиш, енгил атлетика, эстафета мусобақалари ҳар навбатда режа бўйича мунтазам ўтказиб борилди. Шунингдек, стол теннис, шахмат-шашка, расм чизиш, тикиш-бичиш тўғараклари ишлаб турди. 700 дан ошқич китоб фондида эга кутубхона ҳам болалар ихтиёрида бўлди.

— Оромгоҳ менга жуда ёқди, — дейди Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 144-мактаб ўқувчиси, завод ишчиси Дамира Собированинг ўғли Элёр Собиров. — Чўмилиб, маза қилиб дам олдик. Келгуси йили ҳам «Бурчмулла»га келиш ниятим бор.

Болалар мана шундай кўтаринки руҳда оромгоҳдан қайтишди. Олдинда уларни яна қадрдон мактаб кутмоқда.

Адхам ДАМИНОВ

## Андижон томонларда

Завод маъмурияти ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, касаначиликни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

### «GM-Ўзбекистон»да янги иш ўринлари

Яқинда Асака автомобилсозлик коллежининг 259 нафар иқтидорли битирувчиси бу ерда ишлаш имкониятига эга бўлди. Улар тажрибали мутахассислар қўли остида янги русумдаги автомобил ишлаб чиқариш жараёнида билимини синовдан ўтказишади.

Корхонада касаначилар билан ҳам шартномалар тузилиб, маош вақтида тўлаб борилмоқда. Ўтган йилларда 355 киши иш билан таъминланган бўлса, жорий йилнинг 6 ойи давомида яна 11 нафар касаначига шундай имкон яратилди.

### «Кўҳна ва навқирон Андижон»

Андижон давлат университетининг Ўзбекистон тарихи кафедраси олимлари муаллифлигида шу номдаги китоб «Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компаниясида чоп этилди. Андижоннинг ўтмиши ва бугуни ҳақида ҳикоя қилувчи асарда қимматли маълумотлар жамланган.

Уни яратишда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Шамсуддинов, профессорлар Толибжон Мадумаров, Абдухамид Нурмонов, Боқижон Матбобоев жонбозлик кўрсатишди.

Ушбу китоб мустақиллигимизнинг 19 йиллигига ўзига хос тўхфа бўлди.

### Ҳамкорлик дастурига мувофиқ

«Микрокредитбанк»нинг Андижон вилоят филиали ҳамда касбухона таълими бошқармаси билан ҳамкорликдаги дастурига мувофиқ, Андижон туманидаги коллеж битирувчиларининг 50 нафарига имтиёзли микрокредит олишни қафолатловчи сертификатлар топширилди.

Ёш мутахассислар ушбу кредитлар орқали янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирган. Туман иқтисодиёт касбухона коллежи битирувчилари Б. Бедилов, Ў. Йўлдошев, О. Иброҳимов нон цехи ташкил қилиш учун ҳаракат бошлаб юборишди.

Бир гуруҳ ёш қизлар тикувчилик фаолияти билан шуғулланишмоқчи. Олган билимларини ишлаб чиқаришда синаб кўришни ният қилган.

Абдулхай ЮНУСОВ,  
«Ishonch» мухбири

## Вазифалар белгилаб олинди

Ал Фаргоний номидаги дам олиш уйида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фаргона вилояти кенгаши касаруфидидаги шаҳар, туман бирлашган касаба уюшма кўмитаси раислари ва 190 нафар раёсат аъзоси учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда касаба уюшма ташкилотлари ишини давр талаби асосида тубдан яхшилаш, аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатларини ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш борасида фикр алмашилди. Касаба уюшма ишини ташкил этиш, локал ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича асосий талаблар ҳақида мутахассислар маърузаси тингланди.

Л. АХМЕДОВА,  
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси  
Фаргона вилоят кенгаши раис ўринбосари

## Тўхфа

Мустақиллик байрами арафасида Навоий вилоятида кўпгина янги объектларнинг ишга туширилиши режалаштирилган. Жумладан, қиймати 2 млрд. 715 млн. сўмлик, 2400 ўринга мўлжалланган амфитеатр фойдаланишга топширилади. Ҳозир бу ерда сўнги пардозлаш ишлари бажарилмоқда.

Мазкур кенг кўламли қурилиш ҳаёт ва маҳаллий маблағлар ҳисобига амалга ошириляпти. «Навоийазот» ОАЖ, Навоий ГРЭС, «Нус» қурилиш бирлашмаси, «Қишлоққурилиш» МЧЖ, «Трест-2000» МЧЖ сингари ўнлаб корхоналар унга салмоқли ҳисса қўшаяпти. Навоий шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бўлими амфитеатр атрофини гулзор ва кўкаламзорга айлантирмоқда.

Шакаржон ЭШМАТОВ

Жанубий Корея билан ҳамкорликда фаолиятини бошлаган «SHINDONG SPINNING TERMEZ LLC» қўшма корхонаси 2007 йил сентябрида ишга тушган эди.

ган 2 млн. АҚШ доллари қийматидаги янги техника жиҳозлари йиғирув, қалавалаш цехларига ўрнатилмоқда. Бу ишлар тўлиқ амалга оширилгач, 150 та янги

ят вакиллиги мутахассислари билан ҳамкорлик ўз самарасини бераётир. Қўшма корхона раҳбари ва касабақўм ўртасида тузилган жамоа шартнома-

маҳсус дам олиш ҳамда тиббиёт хоналари ташкил этилиб, барча зарурий жиҳозлар тахт қилиб қўйилган.

Қўшма корхона иш бошқа-

## Бизнинг қўшма корхона

давлатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга хизмат қилади, — дейди бошланғич  
касаба уюшма кўмитаси раиси Давлат НОРҚУЛОВ

Дастлабки маҳсулот 2008 йил декабр ойида чиққан бўлиб, бугунги кунда бу ерда 99 нафар доимий ҳамда 221 нафар мавсумий ишчи уч навбатда меҳнат қилмоқда. Улар Музробод тумани пахтакорлари етиштирган «оқ олтин»ни қабул қилиб, бир суткада 9300 килограмм пахта қайта ишламоқда.

Мазкур қўшма корхонада шу йилнинг охиригача иккинчи линияни ишга тушириш тадориғи кўрилмоқда. Бир кунда 7200 тонна пахта қайта ишлайди-

иш ўрни очилади.

Ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш учун 2010 йилнинг 2 феврал куни барча жамоа аъзоларининг хоҳиш-истаги билан тузилган бошланғич касаба уюшма кўмитаси фаолияти ҳам анча ибратлидир.

Шунингдек, Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сурхондарё вило-

си шарофати билан киши бошига ҳар бир иш сменасида 6 минг сўм қийматидаги иссиқ овқат, қатик, салат, ширин чой, нон маҳсулотлари бериб берилмоқда. Меҳнат муҳофазаси учун бир ойда 18 млн. сўмдан ортқ маблағ сарфланмоқда. Ишга келиб кетиши учун автобус ажратилган. Ишчилар маҳсус кийим-кечак — коржом, пойабзал, қўлқоп, шахсий гигиена воситалари билан тўлиқ таъминланган. 5 та ишлаб чиқариш цехининг ҳар бирида

рувчиси Чой Синг Юннинг таъкидлашча, 2-босқич тўлиқ ишга туширилгач, ходимларга қўшимча имтиёзлар берилиши йўлга қўйилади. Айти пайтда корхона ҳисобидан бир гуруҳ ишчиларнинг тарихий шаҳарларимизга саёҳатга чиқиши мўлжалланмоқда.

Энг муҳими, ишчиларга кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик туфайли меҳнат унумдорлиги янада ортмоқда.

Рустам ДАВЛАТ,  
«Ishonch» мухбири

Айтми, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

# Улуғ ғоялар улуғ инсонларни вояга етказди



Mirzo Ulug'bek  
1394 - 1449

Она Шарқнинг қай гўшасида яшамасин, Ўзбекистон Миллий университети номини эшитганида, унда ўқиган талаба борки, қалби энтикади, кўзлари нурга, юраги ифтихорга тўлади. Юртимизнинг бош илмгоҳи ҳисобланган, не-не улуғ зотларни камолга етказган табаррук даргоҳда сабоқ олишнинг ўзи катта бахт.

Таътил бўлишига қарамай, ёшлик, бунёдкорлик ва илм-маърифат шаҳарчаси ҳар доимгидек гавжум ва жўшқин ҳаёт кучоғида. Кўзларида умид учкунлари порлаган илм толиблари ва уларнинг яқинларини кўриб, ўзимнинг ўтган асрнинг 70-йилларида кечган абитуриентлик дамларим ёдимга тушади. Уч кунлик ҳужжат топшириш машаққатлари-ю 15 кун давом этадиган имтиҳонлардаги навбат кутишлар... Бугун бировга эртақ эшитгандек туюлади.

Мустақиллик йилларида «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида илм-маърифат аҳли учун кенг имкониятлар яратилди. Замон талаблари асосида қад ростлаган талабалар турар-жойлари, спорт иншоотлари, хизмат кўрсатиш шохобчалари кўзни яшнатади. Шаҳарчада ёшларнинг ўқиши, яшаши, дам олиши, спорт билан шуғулланиши учун барча шaroит муҳайё. Бу ерда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ташқари, Тошкент давлат юридик, авиация, молия, санъат институтлари, Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети ҳамда бир қанча академик лицей ва касб-хунар коллежларининг қирқ минг нафардан ортиқ талаба-ўқувчилари таълим олади. Биргина ЎзМУ тасарруфида 11 та талабалар турар-жойи мавжуд.

## Тарихий ҳақиқат

Президентимиз таъкидлаганидек, «Бизда буюқ тарих ва буюқ маънавий бор».

Тарихга назар ташласак, олий таълим муассасалари илк бор мадраса шаклида Шарқда пайдо бўлган, кейинчалик улардан андоза олган Фарбда университетлар ташкил этилган. Фарбда биринчи академия 1162 йили (Россияда 1724-йили), университет 1293 йили Испанияда (Россияда 1755 йили) ташкил топганлиги эътиборга олинса, мозийда ажодларимиз анча олдин олий таълимга асос солиб, фан тараққиётига эришганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Мадрасаларда тахсил олган олим фузалонинг илмий-ижодий меросидан бутун дунё баҳраманд бўлаётгани эса айна ҳақиқат. Биргина Бухорода дунёга машҳур 400 уламо тарбия топгани маълум. 1912 йилда шаҳарда олий, ўрта ва қуйи тоифалардаги икки юзга яқин мадраса бўлган.

1918 йил 12 майда миллат эҳтиёжига айланган дунёвий олий таълим маскани — Миллий университетнинг асоси вужудга келган. Давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзлари бу тарихий ҳақиқатни янада ойдинлаштиради: «Тошкент университети» 1920 йилда Россиядан келган вакиллар томонидан эмас, балки 1918 йилда фидойи маърифатпарвар Мунавварқори Абдурашидхон ташаббуси билан Туркистон халқ миллий дорилфунуни сифатида фаолият бошлаган. Бу ҳаракатни бутун жамиятимиз, айниқса, ёшларимиз билиши керак, деб ўйлайман».

Университет илк босқичдаёқ Тошму-

хаммад Қори Ниёзий, Тошмухаммад Саримсоқов, Обид Содиков, Ҳабиб Абдуллаев, Содик Умаров, Ҳамдам Усмонов, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мухтор Аvezов, Хидир Деряев каби истеъдодли ўзбек олимлари, бўлғуси академик ва сўз санъаткорлари авлодини камолга етказди.

## Уч буюқ уйғониш даври

«Қадим Греция Европада цивилизация ўчоғи сифатида қандай ўрин тутган бўлса, Ўзбекистон ва ўзбек халқи Осиёда, бутун туркий ўлкалар ва барча туркий халқлар тарихида худди шундай ўрин эгаллаган». Чингиз Айтматовнинг бу сўзлари юртимиз бой илмий тафаккурига берилган ҳолисона баҳодир.

Ватанимиз тарихида жаҳон тан олган учта буюқ Уйғониш (Ренессанс) даври бўлганлиги истиқлол туфайли тўла тан олинди. Биринчи уйғониш Моvароуннаҳрда илк бор IX-XII асрларда юз берди. «Маъмун академияси» мазкур уйғониш даврининг ёрқин намуналаридан ҳисобланади. Абу Райхон Беруний, ибн Сино, Хоразмий, Абу Саҳл Масиҳий каби 70 дан ортиқ олим инсоният учун энг зарур илмий масалалар ечимига беҳисоб ҳисса қўшди. Ибн Синонинг табобатдаги, Хоразмийнинг «Ал-жабр»даги ютуқлари шулар жумласидандир.

Илмий-маданий тараққиётдаги иккинчи уйғониш соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида юз берди. Илм-фан, маданият ва маърифат ҳомийси Темур улкан салтанат яратиш билан бирга, ўз юртининг оқиллари атрофида етти иқлимда танилган илм ва хунар эгаларини тўплаб, Самарқандни ер юзининг сайқалига айлантирди.

XIX аср охири XX аср бошлари эса Миллий уйғониш даври ҳисобланади. Жадидлар миллий-дунёвий олий таълим гоёсини олға суриш билан бирга, олий ўқув юрти ташкил этиш учун жиддий ишлар олиб борди. Президентимиз жадидлар томонидан амалга оширилган бу ҳаракатни ўзига хос маънавий жасорат намунаси, деб атади.

## Ўзбекистон Миллий университети

Мустақиллик йилларида университетнинг номи билан бирга, илмий салоҳияти ҳам кенгайди. Президентимиз гамхўрлиги ва раҳнамолигига олийгоҳ Марказий Осиё минтақасида йирик ўқув ва илмий марказга айланди. Ўқув жараёни ва илмий-тадқиқот учун етарли салоҳиятга эга профессор-ўқитувчилар, замонавий моддий-техник асос ва жаҳон миқёсида эътироф этилган илмий мактабга эга бўлди. Олийгоҳда ЎзМУ ректори, профессор Гофуржон Муҳамедов раҳбарлигида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Миллий университет таркибидаги 13 та факултет, Ботаника боғи, 16 та илмий лаборатория, ижтимоий тадқиқотлар маркази, табиатдан унумли фойдаланиш илмий-тадқиқот бўлими, 95 кафедра, 3 млн. китоб фондига эга фундаментал илмий кутубхона юқори даражадаги интеллектуал салоҳиятни таъминловчи база ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида кўплаб талабалар Президент, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий номидаги Давлат стипендияларига сазовор бўлишди.

— Жорий йилда бакалаврият босқичига 36 та йўналиш бўйича 1700 нафар, магистратура босқичига 87 та мутахассислик бўйича 571 нафар йигит-қиз қабул қилинади, — дейди университет талабалар касба уюшма кўмитаси раиси Ислон Ҳамроев. — Замон талабидан келиб чиқиб, бу йил бакалаврият йўналишида ижтимоий иш, магистратура босқичида тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот методлари, социологик тадқиқот усуллари, архив иши назарияси ва амалиёти, меҳнат ресурсларини бошқариш, персонални бошқариш каби янги мутахассисликлар қўшилганини таъкидлаш жоиздир.

## Илм буюқ эзгуликдир

Истиқлол йилларида ЎзМУ олимлари томонидан 150 дан ортиқ илмий тўғлам нашр қилинди, 500 минг АҚШ доллари-дан ортиқ чет эл грантлари асосида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Олимларнинг илмий изланишлари ишлаб чиқаришга татбиқ этилмоқда. Марказий Осиёда кенг тарқалган анабазис, сафоро, аммотамус, аммодендрон, термокис авлодига мансуб ўсимликларнинг ўндан ортиқ турлари ўрганилди ва улардан 50 га яқин алколоидлар ажратиб олинди. Уларнинг 24 таси илк мартаба кашф этилди.

Ишлаб чиқаришга 50 дан ортиқ мавзу тақлиф этилди, масалан, пўлат коррозиясига қарши катализаторлар, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари инекологик касалликларини даволаш учун полимерли дори препаратлари, кислотали газларни ютишга хизмат қиладиган сорбентлар устида изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон ер усти сувлари атласи ишлаб чиқилди. Физикадан амалиёт ўташ учун 12 қурилма лойиҳаси тақлиф этилди. Бу илмий кашфиётлар мамлакат тараққиётига хизмат қилмоқда.

## Халқаро ҳамкорлик

Чет эл инвестицияларини узлуксиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлашга жалб қилиш бўйича Темпус-ТАСИС, ДААД, ИНТАС каби ўнга яқин дастур ва марказлар иш олиб бормоқда.

Университетнинг халқаро алоқалари йил сайин кенгайиб бормоқда. Хусусан, Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Миллатлар марказий университети (ХХР), Лоуда университети (Польша), Истанбул университети (Туркия) билан тузилган шартномалар ўз самарасини бермоқда.

Мамлакатлараро кадрлар алмашинуви амалга оширилди. Юзга яқин чет эллик ўқиш ва стажировкага қабул қилинди. Сўнгги йилларда 50 дан ортиқ аспирант ва докторант халқаро конференцияларда иштирок этди. ТАСИС ва ДААД йўналиши бўйича Англия, Франция, Испания ва Германияда кўплаб аспирант ва докторант стажировка ўтади. Юзлаб аспирант ва докторант ЎзМУнинг махсус стипендияси ҳамда республика ва чет эл грантларига сазовор бўлди.

## Инсонга наф келтириш — олий бахт

Университетда иккита касба уюшма ташкилоти бор. Ходимлар касба уюшмаси кўмитасининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференцияси ишти-

рокчилари эзгу ишлар сардори Аҳмаджон Холмирзаевга ишонч билдириб яна касба уюшма раислигига сайлашди.

Етакчининг саъй-ҳаракатлари билан касба уюшмаси тўлақонли жамоат ташкилоти сифатида ходимлар орасига кириб борди ва ижтимоий адолат, ҳаққонийлик мезонлари асосида иш олиб бормоқда.

— Юртимиз илм-фани тараққиётига хизмат қилувчи олим соғлом, ҳар томонлама муҳофазаланган, энг муҳими, оиласи ва фарзандларидан кўнгли тўқ бўлиши керак. Шунинг ҳисобга олиб, ўтган беш йилда 152 нафар ўқитувчи ва ходим санаторийларда соғломлаштирилди. Кам таъминланганлар моддий қўллаб-қувватланиб, фарзандларининг контракт пуллари университетда ташкил этилган фонд орқали тўлаб берилди, — дейди касбақўм раиси. — Кўмитамизда бу борада шундай аъёнлар қарор топдики, улар айна пайтда республикамиздаги барча олий ўқув юрлари учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

## Талабалар касба уюшмаси

Университетни ёшлар истиқболи, ёшлик шижоати, ёш авлод камолисиз тасаввур этиб бўлмайди. Унинг бағри ҳамиша ёшлар билан файзли, иқтидорли, илмга чанқоқ талабалар билан довлукли. ЎзМУ Талабалар касба уюшма кўмитаси ана шу оловқалб талаба-ёшлар манфаатларини ҳимоя қиладди. Кўмитада амалга оширилаётган эзгу ишлар билан бирма-бир танишарканмиз, Президентимизнинг қуйидаги сўзлари ёдимизга келади: «Ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи-томчи, зарра-зарра буюқ мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар қилиб бориш, бу фазилатни доимий кундалик фаолият мезонига айлантириш — ҳақиқий қаҳрамонлик аслида шу».

Касабақўм раиси Ислон Ҳамроевни тоғлиб, гаплашиш осон кечмади. У гоҳ талабаларни соғломлаштириш масалалари, гоҳ «Бунёдкор талаба — 2010»да фаолият кўрсатаётган ёшлар, гоҳ қабул ҳайъати ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича масъул котиб муовини сифатида эзгуликлар томон шошиларди.

— Уюшмамиз маъмурият билан ҳамкорликда туман ҳокимлиги, маҳалла вакиллари, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимияти билан мустақам алоқа ўрнатган, — дейди касбақўм етакчиси. — «Миллий университет» мақомининг берилганлигига 10 йил тўлиши муносабати билан катта байрам тадбири ўтказилди. Жамоат ишларида фаол, иқтидорли талабалар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Фаоллар сафини кенгайтириш, талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида Маданият саройида «Олтин давр ниҳоллари — 2010» тақдимот маросими ташкил этилди. Унда 12 номинация бўйича энг иқтидорли, фаол талабалар танлаб олиниб, голиблар кўмитамиз томонидан тақдирланди.

Халқ илм-тафаккур ва истеъдод сарчашмалари билан барҳаёт ва қудратли. ЎзМУнинг бугунги фаолияти ўзбек тафаккури ниҳоллари учун улкан боққа айланиб, дунёга қараб бўй чўзаётганидан далолатдир.

А. НАБИЕВА

Душанба

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00, 12.55, 17.55, 22.40 «Иқлим»...

Сешанба

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00, 12.50, 22.40 «Иқлим»...

Душанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!» 8.20, 19.30, 21.15 Тошкент тароналари...

Сешанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!» 8.20, 19.30, 21.15 Тошкент тароналари...

10.15, 22.00 «Қирол ва мен». Т/с. 10.55 «Ифтихор». 11.15, 17.35 Сериал: «Умр манзаралари»...

Чоршанба

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00, 15.00, 17.55, 22.35 «Иқлим»...

O'zbekiston

бор. «Болалар сайёраси»: 17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар»...

Пайшанба

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00, 15.00, 17.50, 22.40 «Иқлим»...

Жума

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00, 12.55, 15.05, 22.35 «Иқлим»...

8.00, 14.00, 21.00 «Ахборот». «Болалар сайёраси»: 8.40 «Бизнинг кутубхона»...

Якшанба

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00, 10.00, 15.05, 17.55 «Иқлим»...

TOSHKENT

8.30, 15.45 «Карвонсарой». 8.40, 20.30 «Ўйларим». 8.45, 15.15 «Эсмeрaльда». Т/с...

Шанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!» 8.20, 19.30, 21.15 Тошкент тароналари...

Жума

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!» 8.20, 19.30, 21.15 Тошкент тароналари...

Пайшанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!» 8.20, 19.30, 21.15 Тошкент тароналари...

## Душанба

6.00, 11.10, 1.20 «Салом, ёшлар!»  
6.40 «Қалпоқ».  
7.00 «Ёшлар нонуштаси».  
7.20, 17.00 «Мультипанорама».  
8.00 «Ёшлик наволари».  
8.20, 19.30 «Кумуш». Т/с.  
9.10 «Уйимдаги фариштам».  
9.30 «Бугундан эсдалик».  
10.00 «Давр ҳафта ичида».  
10.30 «Болалар табассуми».  
10.40 «Ўтмиш хиёбони». Т/с.  
11.50 «Пуаро». Т/с.  
12.40 «Қишлоқ тараққиёти».  
13.00 «Зулфия издошлари».  
13.10 «Самарқанд қовунлари».  
13.30, 20.50 «Император аёл». Т/с.  
14.20 «Ёшлик наволари».  
14.40 «Афсона ва ҳақиқат».  
15.20 «Шарқ гавҳари».  
16.00, 19.00, 22.00, 2.00 «Давр».  
16.10 «Мўжизавий дунё».  
16.40 «Кичкинтойлар боғи».  
17.10 «Ўғирланган орзу». Т/с.  
18.00 «Рўзгор мактаби».  
18.30 «Баркамоллик йўлидан».  
18.50 «UzEX».  
20.20 «Давр мавзуси».  
20.30 «Автопатруль».  
21.40 «Ёшлик наволари».  
22.30 «Уйланиш». Б/ф.  
00.10 «Ёшлик наволари».  
00.30 «Мўжизавий дунё».  
2.30 «Танка». Б/ф.  
3.40 «Дуторчи қизлар».  
4.00 «Навойи». Т/с.  
4.30 «Тонгги парвоз».  
5.00 «Тараннум».  
5.50-6.00 «Мадҳия».

## Сешанба

6.00, 11.00, 1.20 «Салом, ёшлар!»  
6.40 «Қалпоқ».  
7.00 «Ёшлар нонуштаси».  
7.20, 17.00 «Мультипанорама».  
8.00 «Ёшлик наволари».  
8.20, 19.30 «Кумуш». Т/с.  
9.10 «Уйимдаги фариштам».  
9.30 «Бугундан эсдалик».  
9.50, 18.50 «UzEX».  
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 «Давр».  
10.10 «Болалар табассуми».  
10.20 «Винни Пух». М/ф.

## Душанба

7.00 «Хайрли тонг!»  
7.15, 8.15, 11.05, 18.45, 21.45 Хабарлар.  
7.25, 13.05, 18.00 Болалар майдончаси:  
Тонгги гимнастика.  
«Спортландия». Мультфильм.  
7.55 «Тренируемся вместе».  
8.30 «Малахов +».  
9.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» - «Навбахор».  
11.40 «Спортивиз маликалари».  
12.00 «Ринг қироллари».  
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.  
\*\*\*  
13.30 Ўсмирлар биринчи олимпиада ўйинларида.  
14.55 Теннис. Халқаро турнир.  
16.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Локомотив» - «Пахтакор».

18.30 «Баркамол авлод».  
19.05 Ўсмирлар биринчи олимпиада ўйинларида.  
20.45, 22.00 Саломатлик хазинаси.  
20.50 «Жозоба».  
21.10 «Футбол шарҳи».  
22.05 интерФутбол.  
23.45 Сешанба дастури анониси.  
23.55 Сузиш. Европа чемпионати.

## Сешанба

7.00 «Хайрли тонг!»  
7.15, 8.15, 18.45, 21.45 Хабарлар.  
7.25, 13.05, 18.00 Болалар майдончаси:  
Тонгги гимнастика.  
«Спортландия». Мультфильм.  
8.00 «Баркамол авлод».  
8.30 «Малахов +».  
9.20 Футбол. Англия чемпионати. «Ливерпуль» - «Арсенал».  
11.05 «Жасур болалар».  
11.35 «Футбол шарҳи».  
12.10 «Жозоба».  
12.30 «RING».  
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.

## Душанба

7.00, 9.10, 10.05, 13.30, 17.10, 18.00, 19.40 Ўзбек наволари.  
8.00 Серил «Хонаки эркак».  
9.30 «Топ-10».  
11.30 «Опасные пассажиры поезда» худ. фильм.  
14.20 Prime time (рус)  
14.30 Серил «Хонаки эркак».  
15.40 Мультфильм.  
17.30 «Премьера».  
18.30 Серил «ХОНАКИ ЭРКАК».  
21.00 Серил «ЗАВТРА НАСТУПИТ СЕГОДНЯ».  
22.00 «ВОЗДУШНЫЕ ПРИКЛЮЧЕНИЯ» худ. фильм.  
00.30 Миксер.

## Сешанба

7.00, 7.40, 9.10, 10.30, 14.00, 17.10, 18.10, 19.40 Ўзбек наволари.  
7.30 Prime time (рус)  
8.00, 14.30, 18.30 Серил «Хонаки эркак».

10.40 «Ўтмиш хиёбони». Т/с.  
11.50 «Пуаро». Т/с.  
12.40 «Омонхона мўжизаси».  
13.10 «Соғлик - бойлик».  
13.30, 20.50 «Император аёл». Т/с.  
14.20 «Ёшлик наволари».  
14.40 «Афсона ва ҳақиқат».  
15.20 «Сехрли кўллар».  
16.10 «Мўжизавий дунё».  
16.40 «Сирли ўрмонча».  
17.10 «Ўғирланган орзу». Т/с.  
18.00 «Рўзгор мактаби».  
18.30 «Келажак эгалари».  
20.20 «Инсон психологияси».  
21.40 «Ёшлик наволари».  
22.30 «Шабнам». Б/ф.  
00.10 «Ёшлик наволари».  
00.30 «Мўжизавий дунё».  
2.30 «Қайнона». Б/ф.  
3.40 «Миллий мерос».  
4.00 «Навойи». Т/с.  
4.30 «Тонгги парвоз».  
5.00 «Тараннум».  
5.50-6.00 «Мадҳия».

## Чоршанба

6.00, 11.10, 1.20 «Салом, ёшлар!»  
6.40 «Қалпоқ».  
7.00 «Ёшлар нонуштаси».  
7.20, 17.00 «Мультипанорама».  
8.00 «Ёшлик наволари».  
8.20, 19.30 «Кумуш». Т/с.  
9.10 «Уйимдаги фариштам».  
9.30 «Бугундан эсдалик».  
9.50, 18.50 «UzEX».  
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 «Давр».  
10.10 «Болалар табассуми».  
10.20 «Винни Пух». М/ф.  
10.40 «Ўтмиш хиёбони». Т/с.  
11.50 «Пуаро». Т/с.  
12.40 «Автопатруль».  
13.10 «Баркамоллик йўлидан».  
13.30, 20.50 «Император аёл». Т/с.  
14.20 «Ёшлик наволари».  
14.40 «Афсона ва ҳақиқат».  
15.20 «Катта ўйин».  
16.10 «Мўжизавий дунё».  
16.40 «Ёшлар ва таълим».  
17.10 «Ўғирланган орзу». Т/с.  
18.00 «Рўзгор мактаби».  
18.30 «Чемпион».  
20.20 «Нуқтаи назар».  
21.40 «Ёшлик наволари».  
22.30 «Севги фазоси». Б/ф.

глар.

13.30 Ўсмирлар биринчи олимпиада ўйинларида.  
14.25 Мотоспорт.  
15.10 Теннис. Халқаро турнир.  
16.15 интерФутбол.

18.30 «Олимп сари».  
19.05 Ўсмирлар биринчи олимпиада ўйинларида.  
20.10, 22.00 Саломатлик хазинаси.  
20.15 «Женская сборная».  
20.30 Ўзбек жанг санъати. Мустақил кубоги турнири.  
21.00 «БРЕЙН - РИНГ». Интеллектуал ўйин.  
22.05 Футбол. Ўзбекистон кубоги-2009. Финал. «Пахтакор» «Бунёдкор».  
00.05 Чоршанба дастури анониси.  
00.15 «Эртага Футбол».  
00.35 интерФутбол.

## Чоршанба

7.00 «Хайрли тонг!»  
7.15, 8.15, 18.45, 21.45 ХАБАРЛАР.  
7.25, 13.05, 18.00 Болалар майдончаси:  
Тонгги гимнастика.  
«Спортландия». Мультфильм.  
8.00 «Олимп сари».  
8.30 «Малахов +».  
9.20 Футбол. Ўзбекистон кубоги-2009. Финал. «Пахтакор» «Бунёдкор».  
11.25 «БРЕЙН - РИНГ». Интеллектуал ўйин.  
12.05 Трамплиндан сакраш. Ёзги гран-при.  
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.  
\*\*\*  
13.30 Ўсмирлар биринчи олимпиада ўйинларида.  
14.30 Автоспорт.  
15.10 Теннис. Халқаро турнир.  
16.15 интерФутбол.

18.25 «Санъат ва спорт».  
19.05 Ўсмирлар биринчи олимпиада ўйинларида.

## Чоршанба

7.00, 9.10, 10.30, 13.50, 17.10, 18.00, 19.40 Ўзбек наволари.  
8.00, 14.30, 18.30 Серил «Хонаки эркак».  
9.30 Серил «Завтра наступит сегодня».  
11.30 «Дом из песка и тумана» худ. фильм.  
14.20 Prime time (рус)  
15.40 Мультфильм.

## Чоршанба

7.00, 7.40, 9.10, 10.30, 13.30, 18.10, 19.40 Ўзбек наволари.  
7.30 Prime time (рус)  
8.00, 14.30, 18.30 Серил «Хонаки эркак».  
9.30 Серил «Завтра наступит сегодня».  
11.30 «Нью-Йорк, я люблю тебя» худ. фильм.  
15.40 Мультфильм.  
17.00 «Baby Terra Landiya».  
17.30 «Премьера».



## YOSHLAR

00.10 «Ёшлик наволари».  
00.30 «Мўжизавий дунё».  
2.30 «Ёр-ёр». Б/ф.  
3.40 «Сайқал».  
4.00 «Навойи». Т/с.  
4.30 «Тонгги парвоз».  
5.00 «Тараннум».  
5.50-6.00 «Мадҳия».

## Пайшанба

6.00, 11.10, 1.20 «Салом, ёшлар!»  
6.40 «Қалпоқ».  
7.00 «Ёшлар нонуштаси».  
7.20, 17.00 «Мультипанорама».  
8.00 «Ёшлик наволари».  
8.20, 19.30 «Кумуш». Т/с.  
9.10 «Уйимдаги фариштам».  
9.30 «Бугундан эсдалик».  
9.50, 18.50 «UzEX».  
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 «Давр».  
10.10 «Болалар табассуми».  
10.20 «Винни Пух». М/ф.  
10.40 «Ўтмиш хиёбони». Т/с.  
11.50 «Пуаро». Т/с.  
12.40 «Ёшлар ва таълим».  
13.10 «Чемпион».  
13.30, 20.50 «Император аёл». Т/с.  
14.20 «Ёшлик наволари».  
14.40 «Афсона ва ҳақиқат».  
15.20 «Мўжизавий дунё».  
16.10 «Мўжизавий дунё».  
16.40 «Сирли ўрмонча».  
17.10 «Ўғирланган орзу». Т/с.  
18.00 «Рўзгор мактаби».  
18.30 «Келажакка интилиб».  
20.20 «Ош бўлсин!»  
21.40 «Ёшлик наволари».  
22.30 «Девона». Б/ф.  
00.10 «Ёшлик наволари».  
00.30 «Мўжизавий дунё».  
2.30 «Масхарабоз». Б/ф.  
3.40 «Миллий мерос».  
4.00 «Навойи». Т/с.  
4.30 «Тонгги парвоз».  
5.00 «Тараннум».  
5.50-6.00 «Мадҳия».

## Жума

6.00, 11.10, 1.20 «Салом, ёшлар!»  
6.40 «Қалпоқ».



## SPORT

20.10 Саломатлик хазинаси.  
20.30 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Финал «Бунёдкор» - «шуртан».  
23.30 Пайшанба дастури анониси.  
23.40 интерФутбол.  
1.20 Сузиш. Европа чемпионати.

## Пайшанба

7.00 «Хайрли тонг!»  
7.15, 8.15, 18.45, 21.45 ХАБАРЛАР.  
7.25, 8.15, 18.45, 21.45 Болалар майдончаси:  
Тонгги гимнастика. «Спортландия». Мультфильм.  
8.00 «Женская сборная».  
8.30 «Малахов +».  
9.20 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Финал «Бунёдкор» - «шуртан».  
11.05 «Санъат ва спорт».  
11.25 Ўзбек жанг санъати. Мустақил кубоги турнири.  
12.00 Баскетбол. Халқаро турнир.  
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.  
\*\*\*  
13.30 Ўсмирлар биринчи олимпиада ўйинларида.  
14.35 Футбол. Евроголлар.  
15.05 Теннис. Халқаро турнир.  
16.15 интерФутбол.

18.25 «Военное дело».  
19.05 Ўсмирлар биринчи олимпиада ўйинларида.  
20.10, 22.00 Саломатлик хазинаси.  
20.15 «Иқтидор».  
20.50 «ПроФИНГ».  
22.05 интерФутбол.  
23.45 Жума дастури анониси.  
23.55 Ангил атлетика. Лондон Гран-при турнири.

## Жума

7.00 «Хайрли тонг!»  
7.15, 8.15, 18.45, 21.45 ХАБАРЛАР.

## TV-MARKAZ

17.30 «Кинокурьер».  
20.30 M-files.  
21.00 Серил «ЗАВТРА НАСТУПИТ СЕГОДНЯ».  
22.00 «Нью-Йорк, я люблю тебя» худ. фильм.  
00.00 Миксер.

## Пайшанба

7.00, 7.40, 9.10, 10.30, 13.30, 18.10, 19.40 Ўзбек наволари.  
7.30 Prime time (рус)  
8.00, 14.30, 18.30 Серил «Хонаки эркак».  
9.30 Серил «Завтра наступит сегодня».  
11.30 «Нью-Йорк, я люблю тебя» худ. фильм.  
15.40 Мультфильм.  
17.00 «Baby Terra Landiya».  
17.30 «Премьера».

7.00 «Ёшлар нонуштаси».  
7.20, 17.00 «Мультипанорама».  
8.00 «Ёшлик наволари».  
8.20, 19.30 «Кумуш». Т/с.  
9.10 «Уйимдаги фариштам».  
9.30 «Бугундан эсдалик».  
9.50, 18.50 «UzEX».  
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 «Давр».  
10.10 «Болалар табассуми».  
10.20 «Винни Пух». М/ф.  
10.40 «Ўтмиш хиёбони». Т/с.  
11.50 «Пуаро». Т/с.  
12.40 «Келажак эгалари».  
13.10 «XXI аср технологиялари».  
13.30, 20.50 «Император аёл». Т/с.  
14.20 «Ёшлик наволари».  
14.40 «Афсона ва ҳақиқат».  
15.20 «Сехрли кўллар».  
16.10 «Мўжизавий дунё».  
16.40 «Соғлом авлод».  
17.10 «Ўғирланган орзу». Т/с.  
18.00 «Рўзгор мактаби».  
18.30 «Ёшлик баёзи».  
20.20 «Бугун».  
21.40 «Ёшлик наволари».  
22.30 «Жаноб Хеч ким». Б/ф.  
00.10 «Ёшлик наволари».  
00.30 «Мўжизавий дунё».  
2.30 «Севги афсонаси». Б/ф. 1-қисм.  
3.40 «Дуторчи қизлар».  
4.00 «Навойи». Т/с.  
4.30 «Тонгги парвоз».  
5.00 «Тараннум».  
5.50-6.00 «Мадҳия».

## Шанба

6.00, 11.10, 1.20 «Салом, ёшлар!»  
6.40 «Қалпоқ».  
7.00, 17.00 «Мультипанорама».  
8.00 «Ёшлик наволари».  
8.20 Серил: «Каминанинг оиласи».  
9.00 «Табассум қил!»  
9.10 «Уйимдаги фариштам».  
9.30 «Кўзгу».  
9.50 «UzEX».  
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 «Давр».  
10.10 «Болалар табассуми».  
10.20 «Винни Пух». М/ф.  
10.40 «Ўтмиш хиёбони». Т/с.  
11.50 «Чимилдик». Б/ф.  
13.10 «Автопатруль».  
13.30, 20.50 «Император аёл». Т/с.  
14.20 «Ёшлик наволари».

7.25, 13.05, 18.00 Болалар майдончаси:  
Тонгги гимнастика.  
«Спортландия». Мультфильм.  
7.55 «Военное дело».  
8.30 «Малахов +».  
9.20 интерФутбол.  
11.05 «Иқтидор».  
11.40 Футбол. Евроголлар.  
12.10 «ПроФИНГ».  
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.  
\*\*\*  
13.30 Ўсмирлар биринчи олимпиада ўйинларида.  
14.30 Мотопоёга.  
15.10 Теннис. Халқаро турнир.  
16.15 интерФутбол.

18.30 «Шижоат».  
19.05 Ўсмирлар биринчи олимпиада ўйинларида.  
20.10 «Ўзбекистон спорти».  
20.55, 22.00 Саломатлик хазинаси.  
21.00 «ГОЛ».  
22.05 интерФутбол.  
23.45 Шанба дастури анониси.  
23.55 Ангил атлетика. Лондон Гран-при турнири.

## Шанба

7.30 «Хайрли тонг!»  
7.45, 8.45, 18.45, 20.45 ХАБАРЛАР.  
7.55, 13.05 Болалар майдончаси:  
Тонгги гимнастика.  
«Спортландия». Мультфильм.  
8.30 «Шижоат».  
9.00 интерФутбол.  
10.45 «Файтер».  
11.10 «Ўзбекистон спорти».  
11.55 Стол тенниси. Халқаро турнир.  
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.  
\*\*\*  
13.30 Ўсмирлар биринчи олимпиада ўйинларида.  
14.25 «ГОЛ».  
15.05 Спорт экран: «Ангилмас жамоа».  
16.45 Теннис. Халқаро турнир.

18.00 Prime time (рус)  
21.00 Серил «ЗАВТРА НАСТУПИТ СЕГОДНЯ».  
22.00 «ТЕЛБА» бадийий фильм.  
23.40 Миксер.

## Жума

7.00, 9.10, 10.30, 13.10, 17.10, 18.00 Ўзбек наволари.  
8.00, 14.30 Серил «Хонаки эркак».  
9.30 Серил «Завтра наступит сегодня».  
11.30 «Телба» бадийий фильм.  
14.20 Prime time (рус)  
15.40 Мультфильм.  
17.30 «Премьера».  
21.00 «Bollywood Markazida».  
22.00-1.00 «XIYONAT» хинд бадийий фильми.

## Шанба

7.00, 7.40, 9.10, 10.30, 13.30, 18.30, 19.35 Ўзбек наволари.  
7.30 Prime time (рус)  
9.00 Мультфильм.

14.40 «Қишки олимпиада».  
15.30 «Мўйқалам сеҳри».  
16.10 «Кичкинтойлар боғи».  
16.30 «Катта танаффус».  
17.00 «Мультипанорама».  
17.10 «Бўрон даракчилари». Б/ф.  
18.40 «Хикоя».  
18.50 «Баркамол авлод».  
19.30 «Тақдир қиссалари». Т/с.  
20.30 «Айлана».  
21.40 «Ёшлик наволари».  
22.30 «Улфатлар». Б/ф.  
00.10 «Ёшлик наволари».  
00.30 «Мўжизавий дунё».  
2.30 «Севги афсонаси». Б/ф. 2-қисм.  
3.40 «Миллий мерос».  
4.00 «Навойи». Т/с.  
4.30 «13-студия».  
5.00 «Тараннум».  
5.50-6.00 «Мадҳия».

## Якшанба

6.00 «Бугун».  
6.30 «Қалпоқ».  
7.00 «Мультипанорама».  
8.00 «Соғлик - бойлик».  
8.20 Серил: «Каминанинг оиласи».  
9.00 «Ош бўлсин!»  
9.30 «Тонгги парвоз».  
10.00 «Ватанпарвар».  
10.40 «Ишдаги ишқ». Б/ф.  
13.10 «Табассум қил!»  
13.30 «Ёшлар нонуштаси».  
14.00 «Айлана».  
14.20 «Тошкент илҳомлари».  
14.30 «Эртақлар оламида».  
15.50 «Болалар табассуми».  
16.00 «Шахзоданинг қўшиғи». Т/с.  
18.50 «Баркамоллик сари».  
19.00 «Давр ҳафта ичида».  
19.30 «Тақдир қиссалари». Т/с.  
20.30 «Рўзгор мактаби».  
21.10 «Ижод мактаби».  
22.00 «Тинчликдаги кураш». Б/ф.  
00.00 «Илҳом қанотлари».  
00.30 «Мўжизавий дунё».  
1.20 «Ватанпарвар».  
2.00 «Давр ҳафта ичида».  
2.30 «Йўқолган одам». Б/ф.  
3.40 «Сайқал».  
4.00 «Навойи». Т/с.  
4.30 «Yoshlar-FM».  
5.00 «Тараннум».  
5.50-6.00 «Мадҳия».

17.40 Ўсмирлар биринчи олимпиада ўйинларида.  
18.30 «Спортивиз маликалари».  
19.05 Ўзбекистон республикаси Мустақиллигининг 19 йиллиги: «Истиқлол йўлларида».  
19.30, 21.00 Саломатлик хазинаси.  
19.35 «Стать ближе». Ток-шоу.  
20.15 «RING».  
21.10 Футбол. Англия чемпионати. «Уиган» - «Челси».  
23.10 Якшанба дастури анониси.  
23.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Олмалик» - «Кизилқум».

## Якшанба

7.30 «Хайрли тонг!»  
7.45 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Олмалик» - «Кизилқум».  
9.30 «Тренируемся вместе».  
9.50 «Қувноқ стартлар».  
10.30, 18.30, 21.30 ХАБАРЛАР.  
10.45 «Истиқлол йўлларида».  
11.15 «Спортивиз маликалари».  
11.30 «Аптека слушаю».  
12.20 Стол тенниси. Халқаро турнир.  
13.20 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.  
\*\*\*  
13.25 Ўсмирлар биринчи олимпиада ўйинларида.  
14.30 «Стать ближе». Ток-шоу.  
15.10 «RING».  
15.45 Теннис. Халқаро турнир.

17.00 Ўсмирлар биринчи олимпиада ўйинларида.  
18.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Шўртан».  
20.50, 22.00 Саломатлик хазинаси.  
20.55 «Жасур болалар».  
22.05 «Ринг қироллари».  
23.05 Эшқак эшиш. Жаҳон чемпиони.  
23.45 Душанба дастури анониси.  
23.55 Футбол. Франция чемпионати. «ПСЖ» - «Бордо».

11.30 «Хионат» хинд бадийий фильми.  
14.30 «Кулинарний гид».  
15.00 «ХРАБРОЕ СЕРДЦЕ» худ. фильм.  
18.20 Prime time (рус)  
19.00 «Топ-10».  
20.30 «Бизнинг мусика».  
21.30 «Премьера».  
22.00 «ВРАГ МОЙ» худ. фильм.  
00.00 Миксер.

## Якшанба

7.00, 11.00, 13.30, 16.35, 18.10, 21.00 Ўзбек наволари.  
9.00 Мультфильм.  
10.30 «Baby Terra Landiya».  
11.30 «Враг мой» худ. фильм.  
15.00 «ДРАКОНИЙ ЖЕМЧУГ. ЭВОЛЮЦИЯ» худ. фильм.  
17.30 M-files.  
18.00 Prime time (рус)  
20.30 «Кинокурьер».  
21.30 «Премьера».  
22.00 «ИДЕАЛЬНЫЙ ПОБЕГ» худ. фильм.  
23.40 Миксер.

Шеър  
ва шуур

**Ўткир Раҳматни узоқ йиллардан бери биламан. Самимий ини, дилкаш ҳамсоя, ҳаммаслак, истеъдодли шоир. Таассуфки, одамлар мартабаси, молу дунёсига қараб турфа қиёфага киради. Баъзан қирқ йиллик қадрдонингни танимай қолсан. Ўткир эса йигирма йил аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай: камгап, камтар.**

## Сўзи кўнглига муносиб

Гоҳида унинг шеърларини ўқиб, ўйлаб қоламан, агар у насрда ёзишга жазм қилса, ундан ажойиб адиб чиқарди. Албатта, Ўткиржон тасвир ва ҳиссиётни бир-бирига боғлаб, унда инжа образларни, теша тегмаган шеърини сатрларни яратишга уст. Лекин унинг шундай «прозаик» шеърлари борки, уларда воқеа, қахрамоннинг ички дунёси ҳамда шоирнинг қалби туташади, ўқиган киши олам ва одам дунёсининг оддий, шунинг билан бирга, мураккаб қирраларини таъсирланиб юрагидан ўтказади. Ўзига тегишли хулоса чиқаради. Дўппини бошдан олиб ҳаёт мазмунини мушоҳада қилишга тушади. Шундай асарларидан бири «Синглим» шеърини.

**Йиқилади йўлингга баҳор,  
Суюнади сув ҳам сирғалиб.  
Офтоб ҳали кўрсатмай жамол,  
Йўлга тушдинг кетмонни олиб...**

Шоир синглисига акалик муҳаббати ва ички изтироби нуқтаи назаридан нигоҳ ташлайди. Тақдир деган китобни тонг саҳардан ўқишга мажбур сингил далага кетаяпти. Дала — унинг ҳаёти. Кетмон — тирикчилиги. Ака эса куюнади, ўзини гуноҳкордай ҳис этади:

**Ўша дала, ўша ой, офтоб,  
Тун кетидан тонглар отади.  
Армонларим сўнгсиз бир китоб,  
Дардим эса йиғлаб ётади.**

Ахир, сингил — онадан ёдгор. Лирик қахрамон ҳар сафар синглисини кўрса, онаси ёдига тушади. Сингил ўзи қайғу ичида бўлса ҳам дардини билдирмайди, аксинча, акага илтифот кўрсатади, теграсида гиргиттон бўлиб, кўнглини олишга, руҳий мадад беришга интилади.

Мана шу сингил образи, керак бўлса, бир қиссага етгүлик. Ўткир Раҳмат бу образ композициясини кичик шеърда тугал яратади.

**Соғинаман ахир начора,  
Йўл қарайди туйғу, хисларим.  
Меҳрга зор қалбим бечора,  
Сендан олар онам исларим.**

Ўткирнинг ҳаётда учрайдиган баъзи иллатларга нисбатан ёзғириб битган шеърларида ҳам ана шундай кучли драматизм мавжуд:

**Ари уясидай гувиллар давра,  
Бодалар ичилар беғам, бетартиб.  
Ширакайф ёлғонлар ўтирар яйраб,  
Ёғли қўлларини сочиққа артиб.**

Шоир ғала-ғовур давраларнинг хунук манзараларини бирин-кетин чизади:

**Гўддайиб киради тўрт-бешта кибор,  
Эгилиб йўл берар хушомадлар ҳам.  
Бурчақдан пинҳона кўз ташлар губор,  
Йўталиб кўяди ўзича алам.  
Ҳаммаси тугади. Шовқин ҳам тинган,  
Келганлар қайгадир бўлдилар ғойиб,  
Оёқлар остида нелардир синган,  
Бетартиб дастурхон қолган бужмайиб.**

Эътибор берсангиз, маросимдаги баъзи одамлар бамисоли шарпа, шунинг учун ҳам тезда ғойиб бўлади. Улардан бир зумда асар қолмайди. Чунки ному нишон одамдан қолади, шарпадан эмас.

Кузатувчан, зукко ва идрокли шоирнинг бу каби ўзида «оғриқ» кўтарган шеърларини «Хаёл ифори», «Юракдаги куш» китобларида кўплаб учратасиз. Сабаби, ижодкор даврнинг айрим салбий манзараларига нисбатан пассив позицияда эмас. У инсоннинг поклянишини истади, бугуннинг қиёфасидаги баъзи нохушликлар эртанги куннинг гўзал чехрасида зухур этмаслигини хоҳлайди.

**Қошу кўзгинангга  
Тушмасин бир гард.  
Мен кўрай, сен асло  
Ҳеч кўрмагин дард.  
Эртанг, бугунингдан  
Гўзалроқ юртим,  
Индини эртадан,  
Тотлироқ юртим.**

Дарҳақиқат, Ватан кўзига гард тушмасин. Шоир муаззам ватанимизга ҳар биримиз муносиб бўлишимиз тарафдори. Муносиблар эса, шубҳасиз, юқсак маънавиятли, маърифатли кишилардир. Эзгулик, яхшилик, саховат, мурувват, меҳру муҳаббат инсон зийнатидир. Шу каби хайрли фазилатлар билан зийнатланган инсонларгина, буоқ мамлакатни ер юзидан устувор қилишади. Алаҳхусус, шоирнинг орзуси, умиди ҳам шудир.

**Пиримкул ҚОДИРОВ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси**



**Оилада олти ўғил, икки қиз вояга етганмиз. Баъзан соғинчми, ниманингдир турткиси билан энг азиз кишилар — ота-онамиз ҳақидаги хотираларни ёдга оларканман, отамизнинг бирортамизга қўл кўтаргани ёки аччиқ гаплар айтганини эслолмайман.**

# ОДАМ — одамнинг бозори

Ўйлаб кўрсам, у киши қайсидир ҳаракатимиздан кўнгли тўлмаса-да, овозини кўтармас, халқ мақоллари билан беозоргина танбеҳ бериб кўярдилар. Айниқса, «Нонни катта тишласанг ҳам, гапни катта гапирма», «Сув балосидан, ўт балосидан, тухмат балосидан сақласин» каби нақллар оила даврасида тез-тез қулоғимизга чалиниб турарди. Бобомерос катта ёғоч товоғимиз бўларди. Қайнатма шўрва пиширилса, отамиз шу товоққа патирни босиб тўғратиб, ҳаммамизни дастурхон бошига чорларди:

— Бир товоқдан нон еганга нима етсин.

Беш-олти қўл товоққа чўзиларди. Ёшлик қилибми, ака-укалар орасига «ола мушук» ораласа, ким айбдорлигидан қатъи назар отамиз ҳеч биримизга юз очмасдилар. Токи, ўзимиз гуноҳкорлигимизни ҳис этиб, бир-биримиздан кечирим сўрама-гунимизча шу ҳолат давом этарди.

— Болаларим, бир кун низо оралаган оиладан қирқ кунлик барака кўтариларди. Зинҳор ўз дастурхонингиз файзига теша урманлар, — дердилар биз апоқ-чапоқ бўлиб кетганимизга ишонч ҳосил қилгач.

Йиллар ўтди, турмуш чорраҳаларида тўкин-нотўкин дастурхонларни, турфа таомларни кўрдим, тановул қилдим, аммо биронтаси ўша ёғоч товоқдан ейилган овқат таъмини беролмаслигидан ҳамон ажабланаман.

Олтмиш тўртинчи йилнинг киши қаттиқ келди. Нафақат совуқнинг, балки элга хуруж қилган касаллик (грипп)нинг зўридан ҳатто мактаблардаги дарслар тўхтатиб қўйилди. Уйимизда етти ёшда

бўлган менгина ва отамдан бошқа ҳамма кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолган, бошқа хонадонларда ҳам шу аҳвол ҳукм сурарди. Қишлоқнинг ягона тиббиёт ходими Турдиев деган миқтигина, ҳовликмароқ фелдшернинг ҳали у ҳовлига, ҳали бу ҳовлига қатнайвериб эҳсонаси чиққанди.

Ўқув машғулоти вақтинча тўхтатилган бўлса-да,

### Оталар сўзи

қишлоқ мактабида директор бўлиб ишлаётган отам кунига бир марта ишхонасидан хабар олар, кейин бирмабир кўшниларникига, яқин дўстлариникига кириб, ҳола-аҳвол сўраб чиқарди, аксарият ҳолларда мени ҳам етаклаб оларди. Бир кун у киши:

— Маҳаллада икковимиздан бошқа тик юрган одам қолмабди, сен ўчоққа олов қала, биргалашиб қатиқ ош қилайлик, — деб қолдилар. Бир амаллаб қуруқ шовшабба йиғиб ўчоққа ўт қаладим.

— Катта қозоннинг остига ўт ёқиш керак эди, — деди отам. Ҳафсалам бўлмаса-да, ўзимнинг касалликка ён бермаётганимдан, қўлидан иш келадиган одам бўлганимдан ғурурланиб, ўчоқ остидаги оловни иккинчисига кўчираман, дилимда эса ягона савол ўрмалайди:

«Нега катта қозонда? Кичигидаги ҳам оиламиздагиларга етиб, ортиб қолади-ку»

Умрида овқат қилишга уннаб кўрмаган отам хаста онамга ёрдамлашиб, хамир қордириб, кесган ош тайёрладилар. Кейин суюлтирилган чакки қўшиб, уйимизда бор идишларга қуйиб:

— Қани кетдик, қўшниларида ҳол сўраб келамиз, — дедилар.

Иккимизнинг қўлимизда иккитадан идиш, бирмабир хонадонларни айланамиз.

Отамнинг ташрифидан хурсанд қўшнилари ётган ўринларидан қўзғолмоқчи бўлишади:

— Бемалол ётаверинг, мана бу ошдан иссиқ-иссиқ ичиб, кўрпага ўрансангиз, касалингиз очиласди, — дейди отам уларга.

Қўшниларида ҳол сўраб бўлганимиздан кейин энгил тортаман, «энди бемалол эрта китобимни ўқиб ётавераман», дейман ўзимга ўзим, қаёқда дейсиз:

— Энди малимингникига борамиз.

Отамнинг сўзидан энсам қотса-да, эринчоқлик билан у кишига эргашаман. Совуқдан қунишиб отамнинг илдам қадамларига етишиш учун пилдирарканман, ўзимча тўнғиллаб қўйдим;

— Шу нимага керак ўзи?!

— Нима дединг, ўғлим? — Айтганларимни эшитган бўлса-да, норози оҳангда ўсмоқчилаб сўради отам. — Бу гапинг ноўрин. Ма-шойихлар «Одам — одамнинг безори эмас, бозори» дейишган.

Ўшанда бу иборанинг маъносини чақишга кўп ҳам уриниб ўтирмагандим. Йиллар ўтиб улғайдим, ўзим ҳам дастлаб ота, кейин бобо бўлдим. Ҳаёт сўқмоқларида яхшини ҳам, ёмонни ҳам кўрдим. Кўпинча арзимаган баҳона сабаб бир-бирининг кўнглини оғритаётган одамларга дуч келганимда, беихтиёр отамнинг айтган сўзларини эсламан:

— Одам — одамнинг безори эмас, бозори!!!

**Абдунаби АБДИЕВ**

## СУРАГАН ЭКАНСИЗ

## Мехнат таътили

САВОЛ: Ходимларга меҳнат таътили бериш, меҳнат таътилини узайтириш ва бошқа муддатга кўчириш ва уни расмийлаштириш тартиби қандай?

Г. НИШОНОВА, Тошкент шаҳри

ЖАВОБ: Ушбу муносабатлар Меҳнат кодексининг 133-152-моддалари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинган.

## Таътил кимларга берилади?

Барча ходимларга, шу жумладан, ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга, дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади.

## Таътилни энг кам

Ходимларга ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади.

## Кимларга узайтирилган таътил берилади?

Куйидагиларга уларнинг ёши ва соғлиғи ҳолатини ҳисобга олиб, йиллик узайтирилган асосий таътил берилади:

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга - ўттиз календар кун;  
ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига - ўттиз календар кун.

Айрим тоифадаги ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларини ҳамда бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ узайтирилган таътиллари берилади. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддаси учинчи қисмига кўра депутатга, сенаторга ҳар йили ўттиз олти иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилади.

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларда белгилангандан ташқари, меҳнат шартномасининг шартларида ҳам узайтирилган йиллик таътиллари бериш назарда тутилган мумкин.

## Қўшимча таътиллари

Қўшимча таътиллари: меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлган ходимларга; оғир ва ноқулай табиий-иклим шароитларида иш бажараётган ходимларга; меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда берилади. Масалан, «Кутқарув хизмати ва кутқарувчи мақоми тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддаси еттинчи қисмига кўра ноқулай ва ўзига хос бўлган меҳнат шароитларида ишлаганлик учун кутқарув хизматлари ва профессионал кутқарув тузилмаларининг кутқарувчиларига қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар йили ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

## Ноқулай меҳнат шароити учун

Меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир этадиган ходимларга ноқулай меҳнат шароитида ишлаганлик учун йиллик қўшимча таътил берилади.

Корхоналарда қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътилларнинг муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари тармоқ келишувлари, жамоа шартномаси билан (агар улар тузилмайдиган бўлса, касабга уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб иш берувчи томонидан) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлайдиган меҳнат шароитларини баҳолаш услубиёти асосида белгиланади. Меҳнат шароити ўзига хос бўлган ишлар учун, шунингдек, ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароити учун қўшимча таътилни энг кам муддати, бундай таътилни бериш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлайдиган меҳнат шароитларини баҳолаш услубиёти асосида белгиланади. Меҳнат шароити ўзига хос бўлган ишлар учун, шунингдек, ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитида ишлайдиган ходимлар учун қўшимча таътилни энг кам муддати 12 иш кунини эътиборга олинади.

## Ноқулай табиий-иклим шароити учун

Табиий-иклим шароити оғир ва ноқулай

жойлар рўйхати ҳамда йиллик қўшимча таътилни энг кам муддати Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқати томонидан белгиланган бўлиши мумкин.

## Муддатни ҳисоблаш

Таътилларнинг муддати олти кунлик иш ҳафтаси юзасидан календар бўйича иш кунлари билан ҳисоблаб чиқарилади. Таътил даврига тўғри келиб қолган ва Меҳнат Кодексининг 131-моддасига мувофиқ ишланмайдиган кунлар деб ҳисобланадиган байрам кунлари таътил муддатини белгилашда ҳисобга олинмайди.

## Жамлаш

Йиллик таътилни умумий муддатини ҳисоблаб чиқаришда қўшимча таътиллари йиллик асосий таътилга (шу жумладан узайтирилган таътилга ҳам) қўшиб жамланади. Барча ҳолларда қонун ҳужжатлари билан белгиланган таътиллари жамлашда уларнинг умумий муддати қирк саккиз иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмас.

## Меҳнатга мутаносиб

Таътиллари муддатини ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқаришда уларнинг муддати ҳар бир тўлиқ таътил миқдорини ўн иккига бўлиб, сўнг тўлиқ ишланган ойлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Бунда ўн беш календар кунга тенг ва ундан кўп бўлган кунлар бир ой деб ҳисобланади, ўн беш календар кундан кам эса чиқариб ташланади.

## Таътил ва иш стажи

Йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига қуйидагилар қиради: иш йили давомида ҳақиқатда ишланган вақт; ходим ҳақиқатда ишлаган бўлса ҳам, лекин унинг иш жойи (лавозими) сақланган вақт, бундан болани парварилаш учун қисман ҳақ тўланадиган таътил ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътиллари мустасно; меҳнат шартномаси файриқонуний равишда бекор қилинганлиги ёки ходим файриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганлиги натижасида қилинган ҳақ тўланадиган мажбурий прогул вақти, башарти ходим кейинчалик аввалги ишга тикланган бўлса; тармоқ келишувлари, жамоа шартномалари ва корхонанинг ўзга локал ҳужжатлари, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа даврлар.

Жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал ҳужжатида, меҳнат шартномасида хусусан иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътил вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиб назарда тутилиши мумкин.

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда йиллик қўшимча таътиллари олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқаришнинг алоҳида қоидалари назарда тутилиши мумкин.

## Таътил бериш тартиби

Йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлангандан кейин берилади. Иш йили меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан эътиборан ҳисобланади. Таътил куйидаги ходимларга уларнинг хоҳиши бўйича олти ой ўтмасдан олдин берилади:

аёлларга — ҳомиладорлик ва туғиш таътили олтидан ёки ундан кейин;  
I ва II гуруҳ ногиронларига;  
ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;  
муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатирилган ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга;  
ўриндошлик асосида ишлаётганларга — асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда;  
ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактабларида, олий ва ўрта махсус, касб-хунаро ўқув юрларида, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва

қайта тайёрлаш институтлари ва курсларида ўқиётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътиллари имтиҳонлар, синовлар (заҳётлар) топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғри-лаб олишни хоҳласаяар;

технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ходимларга.

Мактаблар, олий ва ўрта махсус, касб-хунаро ўқув юрлари, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг муаллимлар таркибига биринчи иш йилида йиллик таътил уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтдан қатъи назар ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда ёзги таътил даврида тўлиқ берилади.

Таътил ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим.

Ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ходимнинг розилиги билан таътилни ўн икки иш кунидан ортқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин, шу йили ундан албатта фойдаланилмоғи лозим.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга йиллик таътил, шунингдек, ушбу Кодекснинг 137-моддасида кўрсатилган йиллик қўшимча таътиллари бермаслик тақиқланади.

Йиллик асосий таътил иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун таътиллари жадвалига мувофиқ иш йилининг исталган вақтида берилади.

## Вақти ва навбати

Йиллик таътиллари бериш навбати календар йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касабга уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади.

Таътил бериш вақти ҳақида ходим таътил бошлангундан камида ўн беш кун олдин хабардор қилиниши керак.

Куйидаги ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши керак:

ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;

I ва II гуруҳ ногиронларига;  
1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга; таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга;  
жамоа шартномаси келишувидан назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ишлаётган эркакларга йиллик таътил уларнинг хоҳишларига биноан хотинларининг ҳомиладорлиги ва туғиш таътили даврида берилади.

Таътилдан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақти ходим билан иш берувчининг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

## Узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш

Ходимлар куйидаги ҳолларда таътилни узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эгадирлар:

вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида;  
ҳомиладорлик ва туғиш таътили муддати бошланганда;  
йиллик таътил ўқув таътилига тўғри келиб қолганда;  
давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётганда, башарти қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда бундай вазифаларни бажариш учун ходимни ишдан озод этиш назарда тутилган бўлса. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддаси иккинчи

қисмига кўра корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларнинг раҳбарлари ўз ваколатларини ишлаб чиқариш ёки хизмат фаолиятдан ажралмаган ҳолда амалга ошираётган сенаторни у ўзининг сенаторлик вазифаларини бажарадиган вақтда, унинг иш жойи (лавозими) сақланган ҳолда, ишдан озод қилишлари шарт. Сенаторлик вазифаларини бажараётган вақтда сенаторнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

Агар таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар таътил бошлангунга қадар келиб чиққан бўлса, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан таътилдан фойдаланишнинг янги муддати белгиланади. Бундай сабаблар таътил даврида келиб чиққан ҳолларда таътил тегишли кунлар сонига узайтирилади ёки ходим билан иш берувчининг келишувига биноан таътилни фойдаланилмай қолган қисми бошқа муддатга кўчирилади.

Ходим таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар тўғрисида иш берувчини хабардор қилиши шарт.

Агар ходим белгиланган муддатда таътилни бошланиш вақти тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинмаган ёки унга таътил бошлангунга қадар таътил вақти учун ҳақ тўланмаган бўлса, таътил ходимнинг аризасига мувофиқ бошқа вақтга кўчирилади.

## Қисмларга бўлиш

Ходимнинг хоҳишига кўра унинг ёзма аризаси асосида таътилни қисмларга бўлишга йўл қўйилади. Бунда таътилни бир қисми ўн икки иш кунидан кам бўлмаслиги лозим.

## Чақириб олиш

Таътилдан чақириб олишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Шу муносабат билан таътилни фойдаланилмай қолган қисми ходимга мазкур иш йили давомида бошқа вақтда берилиши ёки Меҳнат Кодексининг 143-моддаси бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларида назарда тутилган талабларга риоя қилган ҳолда кейинги иш йилининг таътилига қўшиб қўйилиши керак.

## Ҳақ тўлаш

Йиллик таътиллари даври учун ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш кафолатланади.

Таътил учун ҳақ тўлаш жамоа шартномасида белгиланган муддатларда, лекин таътил бошлангундан олдинги охириги иш кунидан кечикмай амалга оширилади.

## Компенсация тўлаш

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун пуллик компенсация тўланади.

Ходимларга иш даврида, уларнинг хоҳишига кўра, йиллик таътилни Меҳнат Кодексининг 134-моддасида белгиланган энг оз муддатидан (ўн беш иш кунидан) ортқча қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин.

Ижтимоий таътиллари бундан ташқари, шунингдек, Меҳнат Кодексининг 137 ва 138-моддаларида назарда тутилган қўшимча таътиллари асл ҳолида фойдаланилади ва уларни пуллик компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

## Меҳнат шартномаси бекор қилинганда таътилдан фойдаланиш мумкинми?

Ҳа. Жамоа шартномасида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан, унинг муддати тугаши муносабати билан ҳам) ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътиллари бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш ҳоллари назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган таътил даврида ходим меҳнат шартномасини унинг ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисидаги аризасини, башарти меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида огоҳлантиришнинг қонун ёки тарафларнинг келишувига биноан белгиланган муддати тугаган бўлса, қайтариб олишга ҳақли эмас.

Меҳнат шартномаси унинг муддати тугаши муносабати билан бекор қилинганда кейинчалик меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш шарт билан, гарчи ҳақиқатда ишланган вақт ҳамда таътил вақтининг умумий йиғиндисидан меҳнат шартномаси муддати чегарасидан чиқиб кетса ҳам, таътил берилиши мумкин. Бу ҳолда меҳнат шартномасининг амал қилиши таътил тугагунга қадар узайтирилади.

Меҳнат шартномаси ходимнинг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинганда йиллик асосий ва қўшимча меҳнат таътилдани асл ҳолида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

**С**ардорнинг бугун кайфияти жуда чоғ. Машина сотиб олиш арафасида. Тўрт йил муқаддам Тошкентнинг нуфузли университетларидан бирига ўқишга кирганди. Ўқишдан бўш вақтларида ҳалол меҳнат қилди. Пуллари худда-бехудда совурмай, банкда жамғариб борди. Энди бундан сира афсусланмайди. Қишлоқдан акаси олиб келган пулларга қўшиб, машина сотиб олишади. Банк томонидан берилган чекни олиб боришганида, «навбат, хужжатлар» дегандай эртага келишларини айтишди. Қош қорайиб қолганлиги боис акасини меҳмонхонага жойлаштиришни ўйлади.

— Ака, сизни меҳмонхонага олиб бораман, — деди Сардор. Унинг гапи акасига ҳам маъқул тушди.

— Бу кеча мен билан ётақол. Ака-ука би-ир дардлашайлик...

Меҳмонхонага киришлари биланок юзида ним табассум зоҳирлан-

Унинг нурлари деразадан хонага сингиб, бошини чангаллаб ўтирган Сардорга далда бераётгандек эди. Сардор беихтиёр дераза ёнига келиб, ташқарига разм солди. Ташқарида кўклам нафаси кезиб юрибди.

\*\*\*

Кетма-кет икки ўғирликни моҳирона фош этиб, анча толиққанини ҳис қилган туман прокуратурасининг катта терговчиси Нормамат Фаниев шу кунларда таътил олишни мўлжаллаб юрганди. Қадрдон дўсти ўғлининг тўйига таклиф қилганди. Тасодифи қаранг, тўй Нормаматнинг таътил олган кунларига тўғри келадиган бўлди. Тўй арафаси бекорчи одамнинг ўзи йўқ бўлса керак? Барчанинг қўли-қўлига тегмай хизмат қилаётганда бир кун олдин бориб, сўппайиб ўтирадимми? Шу ўй билан Тошкентга келгани ҳаманоқ меҳмонхонага жойлашганди. Эрталаб эса бу воқеанинг устидан чи-

ажаблантираяпти ҳам.

— Қандай жумбоқлар?

— Хў-ў-ўш, илк жумбоқ — кузатув камераси ўғрини хонадан қочиб кетаётганини тасвирга олган, киришини ҳам тасвирга олиши табиий-ку! Тасвирни текшириб кўрмадингларми?

— Электр симлари узилганлиги туфайли камера фақат қоронгини тасвирга олган. Кузатувчи иккинчи қаватда чироқ йўқлигини пайқаб, носозликни тузатиш учун одам юборган. Улар эса ҳеч нарсадан беҳабар чироқни ёқиб кетаверишган, — деди Хусанов ҳозиржавоблик билан.

— Тушунарли, яна бир жумбоқ. Жабрланувчи Маҳкамовнинг айтишича, ётишдан олдин эшикни қулфлаганлиги аниқ. Гулдон синганидан сўнг Маҳкамов уйғониб кетган. Ўғри

нинг етти ухлаб тушига кирмас. Шубхам тасдиқланадиганга ўхшайди.

— Яна маъмурми?

— Асосий гумоним ундан... Аммо меҳмонхонанинг бошқа ходими ҳам бўлиши мумкин. Ўша эшикни ҳисобга олсак, ўғрини ходимлар ичидан излашимиз зарур...

Шу вақт Хусановни меҳмонхона ходимларидан бири гапга тутди:

— Кечирасиз, меҳмонларимиз эътироз билдиришмаяпти. Айтолмайсизми, уларни қачонгача тутиб тураимиз?

— Ҳозир, яна озгина сабр қилишсин, озгина.

— Дарвоқе, — деб ходим қўлидаги атиргулларга ташора қилди. — Буларни ахлатга ташласак бўладими?

— Атиргул!? — терговчи Фаниев ўгирилиб аввал ходимга, сўнг қўлидаги атиргулларга қараб анча туриб қолди. — Эҳ, аввал бу нега хаёлимга келмади? Хусанов, калаванинг учини топгандекман. Дарҳол маъмурни ёнимга олиб келинг, тахминларни текшириб кўрамиз. Сиз эса, — ходимга мурожаат қилди, — гулларни бирор гулдонга солиб олиб келинг.

Бироздан сўнг хонага маъмур билан Хусанов олдинма-кетин кириб келишди. Маъмур ҳадиқда. Терговчининг қаршисидаги стулга омонатгина ўтирди. Хусанов эса дераза томон йўл олди.

— Хўш, айбингизни тан оласизми ёки ёрдамлашайми? — деди терговчи.

— Нима ҳақида гапирётганингизни тушунмаяпман.

— Осонликча тан олмайсиз шекилли, майли ёрдамлашганим бўлсин. Сизда захира калитлар бўлади-а?

Маъмур бош ирғаб тасдиқлади.

— Иккинчи қаватдаги электр симларини кесгансиз, — ўзига анграйиб турган маъмурга бир қараб олди-да, гапида давом этди. — Хонани ўша захира калитингиз билан очиб киргансиз: Чекни қўлга киритгач, деразани очиб қўйгансиз, гўёки ўғри шу ердан кирган деб бизларни чалғитмоқчи бўлгансиз. Кейин эса режангизда йўқ нарса содир бўлган. Яъни беҳосдан гулдонга туртиниб кетгансиз. Адашмасам, акса ҳам уриб юборгансиз. Шовқиндан Маҳкамов уйғониб кетгач, шовганингиздан эшикни қулфолмагансиз. Бу эса катта хатоликдир.

Чунки ўғрининг дераза орқали кириш «саҳна»си унча ўхшамай қолган.

— Бу ёлғон! Ёлғон! У вақтда ўз жойимда эдим. Сизнинг барча гапларингиз сафсата!

— Бу ишни қилмоқчи эмасдим, соғлигингизга зарар бўлса-да, начора... — деб терговчи гулдон тутиб турган ходимни имлади,

У атиргуллар солинган гулдонни терговчининг қўлига тутқазди.

— Ҳидини қаранг-а, нақадар ёқимли.

Терговчи атиргулларни маъмурнинг бурни тагига олиб борди.

— Йўқотинг! Йўқотинг буни! — деди маъмур кетма-кет акса уриб. — Йўқотинг деяпман сизга!

— Энди айбингизни тан оларсиз?

Жавоб ўрнига маъмур бошини чангаллади. Терговчи Фаниев Сардор Маҳкамовга қараб:

— Ука, пулингиз ўзингизда бўла туриб йўқолган деб юрибсиз, — деди жилмайиб.

— Мазах қўлаясизми, терговчи? — деди Сардорнинг акаси асабийлашиб.

Терговчи Сардордан калитни олиб, калитга илинган брелокнинг гоҳ у ёғи, гоҳ бу ёғига қараб очилдиган жойини топди. Ичидан буқланган чекни чиқарди.

— Мана чек, иш ёпилди.

Сўнг Хусановга қайрилди:

— Соқчиларингиз мени меҳмонхонадан чиқаришадими? Тўйга кеч қолдим.

Хонада гуриллаб кулги кўтарилди.

**Азизбек НОРОВ**

# АТИРГУЛ

## фош этган жиноят (Ҳикоя)

ган маъмур уларни қаршилади. Хона шинамгина эди.

Тун ярмидан оққанда, Сардор қандайдир шовқиндан уйғониб кетди. Аллаким устма-уст аксиргандек бўлди. Фира-шира хонадан кимдир ўқдек отилиб чиқиб кетди. Сардор ортидан қувди, аммо кўздан қочирди. Бўшашибгина хонага қайтганида, акаси кўзини ишқалаб:

— Ҳа, Сардор, тинчликми? — деди ажабланиб.

— Ака хонада... хонада... бир одам... Хонамиздан бир одам ўқдек отилиб чиқиб кетди.

— Одам?! Алаҳсираясанми? Хонада бегона киши нима қилади? Эшикни ўзинг қулфлаб қўйгандинг-ку!

— Ҳа, дарвоқе, — Сардорнинг нигоҳи хона бўйлаб кезиб юрди-да, аввал ланг очиқ деразага, сўнг гиламда майдаланиб ётган атиргуллар солинган гулдонга тушди.

— Ака, деразадан кирган... ўғри бўлса-я? — хаёлига келган фикрдан ўзи ҳам кўрқиб кетди. Шаҳд билан ўрнидан туриб, ҳаяжон аралаш костюмини титкилашга тушди. — Йўқ.

Бу сўз анча секин айтилган бўлса-да, сукунатга чўмган хонада ваҳимали эшитилди.

— Нима йўқ, ука? — деди-ю, акаси ҳам ҳаммасини тушунди.

— Ч-ч-чек... Чек йў-ў-қ!

— Нима?!

Икковлари шалвираб, гиламга чўкишди. Оғир машақатлар эвазига топилган пуллар энди йўқ? Ярамас ўғри! Ўғри!

Соқчилар бир зумда ҳозир бўлишди. Ун-ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас тезкор тергов гуруҳи, жиноят кидирув бўлимидагилар ҳам етиб келишди. Текширув бошлаб юборилди. Жабрланувчилар сўроқ қилинди. Бироз олдин сукунат хукм сурган хонани одамлар босиб кетди.

Тергов гуруҳи кузатув камераларининг ўғирликдан кейинги тасвирларини кўриб чиқди. Демак, ўғри ҳали меҳмонхонада.

Сирли иш. Терговчиларнинг қўлида атиги битта далил бор. У ҳам бўлса, ўғрининг хонадан ўқдек отилиб чиққани ва акса урганча йўлак охирида ғойиб бўлгани. Камера ҳам ўғрини орқадан тасвирга туширган.

Ўғри дераза орқали кирган деган хулосага келинди. Шунинг учун барча кириш-чиқиш эшикларидан назорат кучайтирилди.

Қуёш аста кўтарилди бошлади.



киб турибди. Кўчага чиққани соқчилар қўймади. Вазиятни тушунтиришгач, Нормамат бу ишга қизиқиб қолди. Айниқса, чек ўғриси меҳмонхонани ҳали тарк этмаганлиги ғалати эди.

Фаниев тергов гуруҳи ёнига келиб, ўзини таништирди. Хужжатларини кўрсатиб, ишда қатнашишга рухсат олди. Унга жиноят кидирув бўлими ходими Хусанов бириктирилди. Хусанов терговчи Фаниевни ўғирлик содир этилган хонага бошларкан, йўл-йўлакай маълумотларни батафсил тушунтириб кетди:

— Бизнинг хулосамизга кўра, ўғри деразадан ошиб тушган. Қоронғида атиргуллар солинган гулдонга туртиниб кетган. Гулдоннинг чил-чил синиши ҳамда ўғрининг акса ургани жабрланувчиларни уйғотиб юборган. Шу сабаб дераза оша қочиш режаси барбод бўлган. Айни вақтда меҳмонхонадан чиқадиган бўлса, соқчиларда шубҳа уйғотишини англаб, тунни меҳмонхонанинг кўздан пана жойида ўтказиб, тонгда одамлар оқимида бамайлихотир қочиб қолишни ўйлаган. Ҳозирча шу.

«Бу фаразларда асос бордек», ўйлади Фаниев деразани синчиклаб кузатаркан. Хона иккинчи қаватда бўлиб, деразанинг шундоқ ёнидаги чинор тўртинчи қаватгача бўй чўзган. Бошида гужгон қайнаган бир неча жумбоқни ён дафтарига туширди.

— Бизнинг «Мегра» нималар ҳақида ўйлаяптилар? — Хусановнинг ҳазили терговчининг хаёлини бўлиб юборди.

— Хусанов, мени бир қанча жумбоқлар ўйлантираяпти. Ўз навбатида,

қочишга чоғланган. У қулфланган эшикни бузишга қандай улгурган? Бироқ эшик бус-бутун. Ҳеч қандай зарар етмаган унга. Бундан келиб чиқадики, ўғри дераза орқали кирган деган тахмин нотўғри. Негадир маъмур менда шубҳа уйғотаяпти. Ундан гумонсираяпман.

— Нимага асосланиб? Ёки бирор далилингиз борми? — терговчига устма-уст савол ёғдирди Хусанов.

— Билишимча, меҳмонхона маъмурида хоналарнинг захира калити бўлган. Асосан шу нарса маъмурдан шубҳаланишимга сабаб бўлаяпти. Қолаверса, маъмур ҳам ўғирлик содир этилган вақтда меҳмонхонада бўлган. Нега энди ундан шубҳаланмаслигимиз керак? Уни ҳам сўроқ қилиш керак, Хусанов.

Сўнг терговчи ўғрини суратга олган кассетани кўздан кечириб ниятида кузатув хонасига бормоқчи бўлди. Ходимлардан бирига учраб, суриштирди. Қаерда жойлашганлиги чала-ярим қилиб тушунтирилган хонани топгунча терговчи анча сарсон бўлди. Адашиб узун йўлакка тушиб қолди. Шу йўлак охиридаги эшик томон юраверди. Эшик уни ташқарига олиб чиқди.

— Хусанов, ахир меҳмонхонадаги барча кириш-чиқиш эшиклари кузатилади дегандингиз-ку, — деди терговчи хонага қадам кўяр-қўймас.

Терговчининг қачон келганини пайқамай қолган Хусанов довдираб қолди.

— Ҳа... Худди шундай.

— Лекин ходимлар учун ташқарига олиб чиқиладиган бир эшик бор экан. Унга ҳеч қандай камера ўрнатилмаган. Фақат меҳмонхонада ишловчиларгина биладиган эшик ўғри-

# Официант бўлиш масъулияти



**И**сон ҳаёт синовларини енгиб бораркан, кундалик ташвишлар билангина чекланиб қолмай, севимли касби

туфайли юқори марраларни забт этишни, муваффақият қозониб, танилишни истайди. Аммо шундай кишилар борки, ўз ишида ҳеч қандай истиқболни кўрмайди. Уларни деярли ҳар куни учратамиз: гоҳ бозорда, гоҳ йўл юзасидаги ошхоналарда, турли кафе-ю барларда. Булар официантлардир. Тан олиш керак, кўпчиликда уларга нисбатан салбий қараш мавжуд. Бунга сабаб официантлик билан кўпроқ аёллар шугулланиши, ярим тунгача кафе-барларда қолиб кетишлари-ю турли феълү кайфиятдаги хўрандалар билан муносабатда бўлишларидир. Бироқ... Мижоз ҳам ахлоқ чегарасидан чиқмай, эътиборини фақат таом сифати ва хизмат даражасига қаратса, ҳаммаси жойида бўлади.

Бир қарашда ҳамма ҳам официант бўлиб ишлаши мумкиндек. Меню тутиб, егулик келтириш ва ҳисоб-китоб қилишдан иборатдек туюлган бу вазифа аслида ҳам шунчалик осонмикан?

Юртимизда мазкур фаолиятга касб сифатида қаралиб, малакали мутахассислар тайёрланаётганлигига ҳам анча бўлди.

— Коллежимизда еттита мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланади, — дейди бу ҳақда Тошкент туризм касб-хунари коллежи директори Анвар Аллаберганов. — Шулардан бири «Ресторан бизнесини ташкил этиш» бўлими-дир. Унда метрдетел, бармен ва официантлар

ўқитилади. Ҳаёт давомида пойтахтимиздаги «Интерконтинентал», «Тошкент-плас», «Ўзбекистон», «Дедеман», «Грант-орзу» каби меҳмонхоналарда, «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг туризм ташкилотларида, ресторан ва фирмаларда ишлаб чиқариш амалиёти ўталади. Официантдан тартиб-интизом, нозик дид ва билим талаб этилиб, меҳмон олдида ўзини тутиши, ҳатто юз ифодаси қандай бўлиши кераклигига ҳам ўргатилади. Шунингдек, чет тиллари ҳам мукамал ўқитилади. Ҳозирда ўқувчиларимизнинг деярли саксон фоизи нуфузли жойларда хизмат қилишмоқда.

Кадрларнинг иш билан таъминланиши яхши, аммо бундай мутахассисларни барча маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида, умумий овқатланиш жойларида учратиш мушкул. Аниқроқ айтганда, йўл-йўлакай овқатланиб кетиладиган ошхона, кафе-барларда мижозларга асосан тегишли маълумоти ва мутахассислиги йўқ ишчилар хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг ярмидан кўпи ёш қизлар ва аёллардир.

— Иштихон туманидан Тошкентга ишлагани келганман, — дейди Марҳабо исмли хизматчи. — Бозорда официантлик қилиб қишлоқдаги онам ва қизимга пул юбораман.

Наима исмли аёл ҳам гарчи мутахассислиги бўлса-да, шу ишни маъқул кўради:

— Бу ишда ошпаз ва кабопазларга қараганда кўпроқ пул топиш мумкин. Шу сабаб, ошпазликка ўқиган бўлсам-да, официант бўлиб ишлайман.

Рўзгор ташвишини елкасига ортган аёлларни тушунса бўлар, лекин мактабни тамомлаб, фаолиятини кафе-барда бошлаган Нодира, Гулиза сингари қизлар ёш ва тажрибасизлиги учун ҳам талай муаммоларга дуч келиши табиий.

— Бошида ишлашга анча қийналдим, — дейди Гулиза. — Хатога йўл қўйган кунла-

рим иш ҳақимни ололмасдим. Кейинчалик шароитга мослашиб, ўрганиб кетдим...

Айни ўқиб-ўрганиш ёшидаги фарзандларига биринчи навбатда пул топишни вазифа қилиб кўядиган ота-оналарга қарата нима дейиш мумкин? Официант бўлиб ишлаётган қизлар юқоридаги вазиятларга тушганда қандай ижтимоий ҳимоя қилиниши ҳақида Ҳамза туманидаги 1-хуқуқий маслаҳатхона адвокати Клара Маҳмудова шундай дейди:

— Меҳнат кодексига асосан, меҳнат шартномаси 16 ёшдан тузилади. 15 ёшдан эса фақат ота-онасининг рухсати билангина ишлаши мумкин. Меҳнат кодексининг тегишли моддаларига биноан, барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган иш шариоити яратилиши шарт. Шунингдек, иш берувчи меҳнат шартномасини тузиш чоғида дастлабки ва кейинги иш давомида вақти-вақти билан ходимларнинг тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминлаши керак. Ходимда меҳнат дафтарчаси бўлиши иш берувчининг мажбуриятига киради. Ана шундай ҳужжатлар асосида ишга қабул қилинган ходимнинг ҳақ-хуқуқи қонунга биноан ҳимоя қилинади.

Албатта, кишилар билан кўпроқ муомалада бўладиган официантларнинг тиббий кўриқдан ўтказилиши, зарур бўлса, бу борада ўқитилиши ижобий ҳол. Буни Республика саломатлик ва статистика институти Тошкент шаҳар санитария қонун-қоидаларини ўргатиш бўлими раҳбари Владимир Ян шундай изоҳлайди:

— Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Декретив гуруҳга оид аҳолини махсус курсларда ўқитишни ташкиллаштириш ҳақида»ги буйруғига асосан махсус дастур ишлаб чиқилган. Унга кўра, умумий овқатланиш корхоналари мудирлари, ишчи-хизматчилари билан

ўн соатлик машғулот ўтказилади. Официантларга озиқ-овқат сифати, санитария талаблари, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиши дарс давомида ўргатилади. Аслида тиббий кўриқдан ўтган ҳар бир официант «санминимум»да ҳам ўқиши, бунинг назорат органлари текширувдан сўнг уларга айтишлари, бизга йўлланма беришлари зарур.

Мавзуни атрофлича ёритиш мақсадида умумий овқатланиш шохобчалари фаолияти, ишчи-ходимлар хизматини ўрганиш ва мониторинг ўтказиш ваколатига эга бўлган Тошкент шаҳар давлат санитария ва эпидемиология назорати марказининг фаолияти билан қизиқдик.

— Марказимиз томонидан шахримиздаги ўн битта туманга амалий, услубий ёрдам кўрсатилади, — дейди Овқатланиш гигиенаси бўлими мудир Шухрат Юсупов. — Бугунгача 2396 та умумий овқатланиш тармоғи объектлари рўйхатга олинган. Ўтган йили 1333 нафар ходим тиббий кўриқдан ўтмаганлиги учун ишдан четлаштирилди. Пойтахтимиздаги барча ошхона ҳамда кафе-барларда сифатли хизмат кўрсатилаётган деб бўлмади. Бунинг сабаби, назорат органлари ходимлари Мувофиқлаштирувчи кенгаш рухсати билан текширишга борганда, ошхона хўжайинлари мавжуд камчиликларни вақтинча бартараф этишади.

Билдирилган фикрлардан англаш мумкинки, ишга қабул қилинаётган официантларнинг ҳужжати, саломатлиги жойида бўлиши ҳар томонлама ошхона эгаларига ҳам боғлиқ. Одамлар гавжум жойларда, бозорларда фаолият юритаётган аксарият та-

маддихоналардаги кўли олти, оёғи етти бўлган хизматчиларнинг деярли барчаси ҳеч қандай ҳужжатларсиз (паспорт нусхасидан ташқари) ишлаётгани кишини хавотирга солади. Турли микроблар кўпайган ҳозирги кунларда сочлари ёйилган, тирноқлари ўсган, эгнида махсус иш кийими бўлмаган официантларнинг саломатлигига ким кафолат бера олади?

— Официантларни ишга олишда кўпроқ уларнинг ижтимоий аҳолига қарайман, — дейди бу борадаги саволимизга Юнусобод бозоридан ишловчи Лутфулла исмли иш юритувчи. — Харидорларимизнинг кўпчилиги деҳқонлар бўлганлиги учун ходимларимиз ҳам уларга мослашишлари керак. Уларни тиббий кўриқдан ўтказамиз, лекин меҳнат шартномаси тузмаймиз, чунки улар тез-тез алмашиб туришади.

Нуфузли меҳмонхоналарда, катта-кичик ресторанларда бу ишга алоҳида касб сифатида қараб, обрў қозонаётганлар ҳам кам эмас. Улардан ўрнатилган ҳолда пул топиш илинжидагина ишлаётганларга нисбатан «Уста хунарни безайди» нақлида иш тутиб, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашдан барчамиз манфаатдормиз. Ўрта махсус маълумотни эгаллашга кимнингдир ёши, яна кимнингдир шариоити тўғри келмас экан, улар учун махсус курслар ташкил этилиб, назарий билимлар берилса, қизлар ва аёлларга нафақат ишда, балки оилада ҳам асқотарди.


**Наргиза АСАДОВА**



## Футбол

# Кувватов — учрашув қаҳрамони

**10 август куни Англия ва Ўзбекистон олимпия терма жамоаларининг ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.**



ўтгандек таассурот уйғонгани, бироқ...

Кўп ўтмай мезбонлар устунликни ўз қўлларига олишди. Кетма-кет хужумлар ҳимоячиларимизни бироз шошириб қўйди. Яхшиямки, дарвозабонимиз Санжар Қувватов жонимизга оро кириб турди. Аввалига Дэни Роузнинг бир қатор хавфли зарбаларини қайтариб қолган «Машъал» посбони кейинчалик «Челси» ҳужумчиси Старрижнинг бир нечта ҳимоячиларимизни алдаб ўтиб берган хавфли зарбасини бартараф этди. Биринчи бўлим айнан Қувватовга аталди, десак муболаға бўлмайди. Унинг ўз постидаги ишончли ҳаракатлари кўплаб вазиятларда

жамоамиз аъзоларига қўл келди. Фақат 64 дақиқагача. Кейин...

Иккинчи бўлимда ҳам биринчи бўлим сценарийси такрорлана бошлади. Англия кетма-кет хужум қилар, Қувватов ва Тўхтаҳужаев бошчилигидаги ҳимоя чизигимиз катта қийинчилик билан бу хавфларни бартараф этишарди. Аммо, барибир, гол «пишиб келаётган» экан. Учрашувнинг 64-дақиқасига келиб... Аввалига Данни Уэлбек томонидан берилган зарбани Қувватов бартараф этди. Аммо Роуз томонидан йўлланган қайта зарбага улгура олмади. Оқибатда ҳисоб очилди, 1:0.

Гол ўтказиб юборгач, орадан икки дақиқа ўтиб вакилларимиз ажойиб имкониятни кўкка созуришди. Бурчакдан амалга оширилган комбинация натижасида тўп жарима майдончасига жуда қулай тарзда етказиб берилди. Бироқ бу тўпга зарба беришда

Тўхтаҳужаев нўноқлик қилди. Воҳаланки, шунчаки бошни теккизиб қўйиш кифоя эди, бу вазиятда.

Гол киритгач, Стюарт Пирс шогирдлари ҳам ўйин-темпини бироз туширишга қарор қилишди, бироқ бу ҳам алдамчи тактика бўлиб чиқди. Навбатдаги инглизча стандартдан кейин тўпга баланд сакраган Мартин Келли зарба берди. Бир қарашда унча кучли кўринмаган зарбани осонлик билан бартараф этиш мумкиндек эди. Бироқ Фозил Мусаев қўтилмаганда тўпга оёқ қўйди ва Қувватовни чалғитди. Жуда оддий вазиятда «Машъал» клубининг икки аъзоси бир-бирини тушунмай қолишди ва ҳисоб 2:0 га етди.

Санжар Қувватов терма жамоанинг ишонган дарвозабони бўлиб қолганга ўхшайди. Буни у яна бир бор исботлай олди. Лекин дарвозабон... ярим жамоа.

## Аёллар футбол



## Эътибор ва эътироф


Халқаро Футбол федерацияси (ФИФА)нинг Аёллар футболни ривожлантириш бўйича вакили Моника Штааб Қашқадарё вилоятида аёллар футболни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Хорижлик мутахассис Ўзбекистонда, шу жумладан, Қаршида аёллар футболни ривожлантириш борасида бажарилаётган ишлар, воҳанинг «Севинч» ва «Олимпия» жамоалари фаолиятига юксак баҳо берди. Чунончи, вилоятнинг «Севинч» аёллар футбол жамоаси беш қарра Ўзбекистон чемпионатида, ўтган йили Осие ва Европа давлатларида ўтказилган халқаро турнирларда бош совринни қўлга киритди.

Моника Штааб соҳил (пляж) футбол буйича қаршида аёллар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионатининг ҳал қилувчи ўйинларини кузатди. У «Насоф» профессионал клуби базаси ва Касби туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қошидаги қизлар футбол тўрагида ёшлар билан суҳбатлашди.

Халқаро аёллар футбол федерацияси вакили вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев, Ўзбекистон аёллар футбол ассоциацияси президенти, Шўртангазимё мажмуаси раҳбари сенатор Алишер Султонов билан ҳам учрашди.

Хорижлик мутахассиснинг Қашқадарёдан ташқари, Хоразм, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳам бўлиши режалаштирилган.

## Теннис



## Ҳамюртларимиз галабаси

Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимида кўра, Қирғизистонда ўсмирлар ўртасида «Bishkek Open - 2010» халқаро турнири бўлиб ўтди. Мусобақа юртдошларимиз галабаси билан якунланди.

1994 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Абдуворис Саидмухаммедов етти ёшидан буён теннис билан шуғулланади. Спортчимиз жорий мавсумда икки турнирда бош совринни қўлга киритди. Июл ойида пойтахтимизда ўтказилган «NBU Cup» халқаро турнирида голиб чиққан А.Саидмухаммедов Қирғизистондаги мусобақада ҳам ўзини кўрсатди.

«Bishkek Open - 2010» халқаро турнирида жуфтликлар ўртасидаги финал беллашуви ҳам ўзбекистонлик теннисчилар иштирокида ўтди. Аҳмад Жамол Муҳаммад россиялик Кирилл Лазутин билан бирга финалгача Россия вакиллари — Станислав Коршунов ва Аскар Забировни 6:2, 4:6, 10:4, Валентин Подгорний ва Александр Яркошни 6:2, 6:1, қозоғистонлик Дмитрий Бородин ва Алексей Коваленкони 6:3, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Аҳмад Жамол Муҳаммад ва Кирилл Лазутин жуфтлиги ҳал қилувчи беллашувда ўзбекистонлик Абдуворис Саидмухаммедов ва россиялик Кирилл Трибшук дуэти устидан 5:7, 6:3, 10:4 ҳисобида устун келиб, бош совринни қўлга киритди.

## Оқгул — бош совринга даъвогар

АҚШнинг Цинциннати шаҳрида бошланган Хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) мусобақалари тақвимида киритилган халқаро турнирда ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова бош соврин учун куч синашмоқда.

Нуфузли мусобақанинг саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган Оқгул асосий тўрнинг биринчи учрашувида япониялик Кимико Датэ Круммдан ҳар томонлама устунлигини намойиш қилди ва 6:1, 6:2 ҳисобида зафар кучди. У кейинги босқичда сербиялик Бояна Йовановски билан рақобатлашди.

Россиянинг Қозон шаҳрида Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан хотин-қизлар ўртасида ўтқа-



зилаётган турнирда яна бир истеъдодли теннисчимиз Албина Хабибулина фаол ўйин кўрсатмоқда.

Мусобақанинг асосий тўрига йўлланма олиш учун курашаётган ҳамюртимиз саралаш босқичининг дастлабки икки учрашувида зафар кучди. Дастлаб россиялик Мария Жарковани 7:6, 6:5 ҳисобида мағлубиятга учратган Албина кейинги баҳсда яна бир мезбон теннисчи — Полина Родионовадан 6:4, 6:2 ҳисобида устун келди. Энди у асосий тўр йўлланмаси учун украиналик Мария Малхазянга қарши кортга чиқади.

## Шахмат буйича «Умид ниҳоллари—2006» ва «Универсиада — 2010»

спорт мусобақалари совриндори, Ўзбекистон чемпиони олий лигаси иштирокчиси Акмал Файзуллаев 1991 йил 22 октябрда Косон туман Бўлмас қишлоғида туғилган.

## Гроссмейстерлар билан дона суриш

У дастлаб отаси, сўнгра мураббий Райим Ражабовдан сабоқ олди. 2004 йилдан расмий мусобақаларда иштирок эта бошлади.

Қарши шаҳрида ўтган «Умид ниҳоллари» мусобақаси финал босқичида шахсий ва жамоавий ҳисобда кумуш медалга эришди.

2007 йил ёшлар ўртасида ташкил этилган «Кучлилар турнири»да 20 ёшгача

бўлган ўсмирлар ўртасида голиб бўлди. Шу йили Тошкент шаҳрида ўтган Осие чемпионатида ташкилотчилар сертификатига сазовор бўлди.

2008 йилдан буён катталар ўртасида Ўзбекистон чемпиони олий лигасида омадини синаб кўрмоқда.


2009 йилнинг феврал ойида 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида 2-ўринни, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Тошкент шаҳар ҳокими кубоги учун» турнирида 18 ёшлилар баҳсида 1-ўринни эгаллади.

— Бу мусобақа мен учун катта тажриба мактаби бўлди, — дейди у. — Гроссмейстерлар билан дона суриш ёшлар учун жуда фойдали.

Акмал АБДИЕВ



## Шахмат



## Нафиса кучлилар сафида

Полшанинг Котова шаҳрида шахмат буйича йигирма ёшгача бўлган спортчилар иштирокида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган халқаро тоифадаги спорт устаси Нафиса Мўминова учинчи ўринга кўтарилди.

Истеъдодли шахматчимиз олтинчи турда полшалик Мария Гоциняк билан рақобатлашди ва рақибасини мот қилиб, бешинчи очкони қўлга киритди. Чемпионатда пешқадамлик қилаётган словениялик Анна Музичук ва ҳиндистонлик Рут Падминдан атиги ярим очкога ортда бўлган Нафиса навбатдаги учрашувда қозоғистонлик Гулисхон Нахбоева билан ўйнайди. Еттинчи турдаги галаба шахматчимизни биринчи ўринга олиб чиқиши мумкин.

Ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда қатнашаётган шахматчимиз Александр Касян ҳам олтинчи турда ўзини кўрсатди. Ҳиндистонлик Свапнил Сунил Допажга қарши учрашувни ўз фойдасига ҳал қилган ҳамюртимиз тўрт очко жамғариб, пешқадамлар гуруҳига яқинлашди. А.Касян навбатдаги партияни мезбон шахматчи Марсин Сисичовичга қарши ўтказди.

Саҳифани Нарзулла МАҲАМОВ тайёрлади.



## H1N1 гриппи пандемияси тугади

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) раҳбари Маргарет Чен куни кеча H1N1 гриппи пандемияси тугаганини маълум қилди.

«Ҳозир пандемиядан кейинги даврга ўтаёмиз», дейди Чен хоним БССТ мутахассисларининг 10 августда Женевада ўтказилган йиғилишида. Вируснинг жорий даврда тарқалиш даражасини баҳолаш юзасидан ўтказилган учрашувда шундай хулосага келинди.


2009 йилнинг апрел ойида тарқалаётгани эълон қилинган пандемия дунёнинг 214 мамлакатига таъсир қилган ва камида 18 449 кишининг ўлимига сабаб бўлган. Сўнги икки ой мобайнида яна 300 киши шу касалликдан вафот этган. Тахминларга кўра, биргина Англиянинг ўзида 65 минг киши H1N1 вирусидан касалланиши мумкин эди. Лекин оммавий ва ўз вақтида ўтказилган эмлаш ҳамда бошқа чора-тадбирлар натижасида хавфли ҳолатнинг олди олинган.

2010 йилнинг феврал ойи охиридан буён кўпгина мамлакатлар бу касалликка қарши эмлаш воситалари сотиб олишни тўхтатди. Ҳозирги пайтда H1N1 гриппи Жанубий яримшардаги баъзи давлатлар ва Ҳиндистондагина учраб турибди.


## Кондиционер учун қўшимча тўлов

Россиянинг Москва шаҳри аҳолиси ҳаводаги тутун ва қурумдан ҳамон азият чекмоқда. Устига-устак, аҳолига такси хизмати кўрсатувчи фирмалар сўнги пайтларда мижозлардан кондиционерли машиналар учун қўшимча ҳақ олмоқда, деб хабар қилади «Интерфакс» ахборот агентлиги.

Агентлик журналистлари шундай фирмалардан бир нечтаси билан телефон орқали мулоқот қилган. Фирма раҳбарларининг маълум қилишича, кондиционерлар ҳамма таксиларда ҳам мавжуд эмас. Агар мижоз шундай машинага буюртма беришни хоҳласа, йўл ҳақиға қўшимча 100 рубл кўп тўлаши керак бўлади.



1794 йилда зарб қилинган бир долларлик кумуш танга АҚШнинг Бостон шаҳрида ўтказилган аукцион савдода 1 миллион 207 минг 500 долларга сотилди. Аукцион камёб тангалар сотувига ихтисослашган «Bowers and Merena Auctions» кимосиди уйи томонидан ташкил қилинган эди.



## 1,2 миллионлик кумуш танга

Кимосиди савдо уйи вакилларининг сўзларига қараганда, коллекционерлар савдо бошланишидан икки ҳафта олдин тангага қизиқиш билдира бошлаган. Антиқа танганинг бошланғич нархи 750 минг доллар бўлган, аммо савдо чоғида унинг нархи жуда тез кўтарилган.

Сотувга «озодлик тасвири туширилган доллар» деб номланган танга қўйилган эди. Бундай тангалар 1794–1795 йилларда АҚШнинг Филадельфия штатида зарб қилинган эди. Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги кунда бундай тангаларнинг атиги 140 донаси сақланиб қолган.

## 10 минг фунтли бўш пакетлар

Буюкбританиялик коллекционер Дэйв Валентайн йиққан бўш чипс (қовурилган картошка) пакетлари ҳозир ўн минг фунт (12 минг евро)га баҳоланди. Тўпламдаги кўпгина чипсларнинг бугунги кунда ишлаб чиқарилмаслиги унга шундай катта нарх қўйилишига сабаб бўлган.

32 ёшли Валентайнинг айтишича, у коллекциясини 1984 йилдан тўплай бошлаган ва ҳозир ҳам доимий равишда тўлдириб боради. Бундай коллекция қилишни эса унга ота-онаси таклиф қилган.

Ҳозир унинг коллекцияси билан оддий коллекционерлардан ташқари музейлар ҳам қизиқиб қолган. «Одамларга эски чипс халтачалари ёқади, чунки улар беташвиш болаликни ёдга солиди», дейди коллекционер.

Бутун коллекция ва унинг алоҳида нусхаларига бўлган катта қизиқишга қарамай (бир дона унчалик эски бўлмаган чипс халтачаси учун Валентайга 12 еврогача таклиф қилинган), коллекционер уларни сотишни истамаяпти. Унинг айтишича, коллекцияси унинг учун жуда қадри ва ундан ажралишни хоҳламайди.



## Салвадор Дали оромгоҳининг... Нусхаси

Хитойда «Кадакес» номли испан шахрининг нусхаси қурилиши режалаштирилмоқда. Бу шаҳар, яъни Кадакес Салвадор Дали дам олишни хуш кўргани билан машҳурдир. Хабарларга қараганда, нусха-шаҳарнинг қурилиши шу йилнинг сентябр-октябр ойларидан бошланиши мўлжалланган. «Кадакес»нинг хитойча нусхаси Сямин порт шаҳрида қурилади.

Лойиҳани амалга оширувчи қурилиш компанияси мутахассислари ҳақиқий Кадакесга боришган. Қурилиш ишлари бошланиши олдиндан хитойлик меъморлар у ерда ўлчов-режалаштириш ишларини олиб боради. Шунингдек, улар кейинчалик Сямин ҳудудида қуриш учун шаҳардаги бошқа бир неча меъморчилик

обидаларини ҳам суратга олишган.

Лойиҳа муаллифларининг режасига кўра, Хитой Кадакеси асли Коста-Бравада жойлашган ушбу испан шаҳрида бўлишни истаган, лекин бунга қурби етмайдиган хитойликлар учун қурилади. Шаҳарчага тахминан 15 минг нафар сайёҳ жойлашиши мўлжалланмоқда.



## Самолётда «ёстиқ жанги»

Тел-Авив — Франкфурт-Майн йўналиши бўйича парвоз қилаётган Германиянинг «Lufthansa» авиакомпанияси йўловчилари самолёт саломида «ёстиқ жанги» уюштиришди.

Маълум бўлишича, самолёт стюардессаси тезроқ улгуриш учун орқа томондаги йўловчиларга ёстиқларни улоқтириб тарқата бошлаган. Баъзи йўловчилар эса буни ҳазил тариқасида қабул қилиб, ёстиқларни стюардессага ёки бошқа йўловчиларга қайтариб ота бошлаган. Натижада салонда бир неча дақиқа давом этган ҳақиқий «ёстиқ жанги» бўлиб ўтган.

Йўловчилар «ҳужуми»дан гангиб қолган стюардесса эса чекинишга мажбур бўлди. Йўловчилар воқеадан хурсанд ҳолда кулгу ва қарсақлар билан уни кузатиб қолишди.

Бўлиб ўтган ҳодисага «Lufthansa»нинг расмий муносабати ҳозирча хабар қилинмаган.

Шайхонтохур туман халқ таълими бўлими К.Олимов номли 299-мактаб томонидан 1994 йил 15 июнда фуқаро Сайдалиева Наргиза Махамаджоновна номига берилган № 520017 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг ижтимоий сўғурта бўлими жамоаси Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудир Раҳматилло Султоновга онаси **БУСАЛИМА** онанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Эҳтиром сабоқлари



Халқимизнинг меҳмондўстлиги ҳақида ортиқча таърифга ҳожат бўлмаса керак. Эртақларимизда ҳам бу миллий хусусият ўз аксини топган. Ўхшаши йўқ ушбу қадриятимизнинг боғчада жажжи болажонлар шуурига сингдириб борилиши таҳсинга сазовордир.

— Болажонлар билан меҳмон кутиш одоби ҳақида машғул олиб бормоқдаман, — дейди Сирғали туман халқ таълими бўлимига қарашли «Кичкинтой» номли 46-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Феруза Раҳматуллаева. — Болаликни эртаққа қиёслашлари бежиз эмас. Уларнинг оламига кириб бориш ва тасаввурига яхши сингдириш учун ҳам доимо эртақларга таянаман.

**Назира БОЙМУРОВА.**  
муаллиф олган сурат

## Эпли келин — сепли келин

Нўхат шўрва тайёрлаганда кўшиладиган сабзи кубик қилиб тўғралади. Угра ёки вермешелдан шўрва тайёрлаганда картошка угра шаклида тўғралади.

Қайнатма шўрвада гўшт яхлит бўлақларда солинади. Бунда сабзи, шолғом, картошка ҳам бутунлигича пиширилади.

0,5-5 кг.гача гуруч пишириладиган паловга сабзи майдароқ сомонча қилиб тўғралади. 5-10 кг.гача гугурт чўпидек, 10 кг.дан ортиқ гуруч дамланганда анча йирик —

қаламча қилиб тўғралса, ош лаззатли бўлиб, сабзи эзилиб кетмайди.

Пиёз арчганда тубини конуссимон қилиб олиб ташланг, акс ҳолда саломатликка путур етказад.

Сабзи, бодринг, бақлажон каби узунчоқ сабзавотларни арчганда учидан бандига қараб, картошка, шолғом, лавлаги каби думалоқ ва япалоқ сабзавотларни банди томондан учига қараб, халқа қилиб арчиш керак.



## Тадбир

Мустақиллик унутилган қадриятларимизни қайта тиклаш, тарихий анъаналаримиз ҳамда урф-одатларни ёшлар онгига сингдириш, халқимизнинг ўзига хос фазилатлари, бой маданияти ва маънавиятини кенг тарғиб этиш имкониятини берди.



# Саҳнада — ҳаваскорлар

Шундан келиб чиққан ҳолда, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши бадий ҳаваскорлик ижодиёти соҳасида «Ўзбекистон, сени куйлайман» санъат фестивалини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган эди.

Яқинда ана шу тадбирнинг навбатдаги босқичи бўлиб ўтди. Мазкур танловда мақом, анъанавий ижрочилик (кўшиқ, катта ашула), эстрада кўшиқчилиги, якка ва ансамбл чолғу ижрочилиги, миллий созандачилик, якка ҳамда жамоа рақс ижрочилиги йўналишларида ходимлар ўз истеъдодларини намойиш этишди.

— Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад — меҳнатқашлар ҳамда ёшларнинг бадий ҳаваскорлик ижодиётига бўлган қизиқишларини бундан-да ўстириш ва янги-янги истеъдодларни кашф этиш, — дейди тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши мутахассиси Шерзод Рамазонов. — Ишонаманки, у миллий санъатимизнинг янада оммалашувига муносиб улуш бўлиб кўшилади.

Тадбир санъат шинавандалари учун том маънода ажойиб тўхфа бўлди. Оҳангаронлик Обид Таштанов Навоий газали билан айтиладиган «Қаро кўзим» кўшиғини куйлаганда, йиғилганлар уни бутун вужуди билан тинглашди. Бўкалик Улуғбек Айхўжаев кўшнайда «Ҳожиниёз 1-2» куйини ижро этганда, ён-атрофдан «Барака топ!», «Санъатингга балли!» каби хитоблар ёғилиб етди.

Ниҳоят, ҳайъат аъзолари томонидан голиблар аниқланди. Мақом йўналиши бўйича 1-ўрин Обид Таштановга, 2-ўрин парентлик Равшан Тўлаевга, 3-ўрин эса бўкалик Сервер Курбонювга насиб этди.

Анъанавий ижрочилик бўйича беллашув ҳам баҳсларга бой бўлди. Зангиоталик Муқаддас Муҳиддинова биринчи, Тошкент вилоят Давлат педагогик институти вакили Насриддин Хидиров иккинчи, Бўстонликдан келган Ғофур Қўчқоров 3-ўрин соҳиби бўлишди.

Бошқа йўналишлар бўйича ҳам голиблар аниқланиб, улар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

**Н.РАФИҚОВ**

## Бир қулишайлик!

### Тўйга кечиккан «хабарчи»

Омон Сайфи ўғилларига суннат тўйи қиладиган бўлибди. Маслаҳат ошига келган дўсту ёрга юмушлар бўлиб берилибди. Яқин-йироққа хабар айтадиганлар ҳам тайинланибди.

— Бухородаги таниш-билиш, қариндош-уруғларга кимни юборамиз? — савол ташлабди маҳалла оқсоқоли.

— Шу... Бухоронинг хабарини ўзимга қолдиринглар, гап-гаштакдаги улфатларим кўп, бошқа одам ҳаммасини топиб айтолмайди, — дебди Омон Сайфи.

Оқсоқол уни шаштидан қайтармоқчи бўлибди:

— Бўёғи тўйга оз қолди, ҳали ташвишингиз кўп, қўлингиз тегармикин?

— Бухоро деганлари тупканиннг тагида эмас-ку, гир этиб бориб келаман-да, — бўш келмабди Омон Сайфи.

— Майли, билганингизни қилинг, — ноилоҳ ён беришибди маслаҳат ошига тўпланганлар. Тўйга икки кун қолганда Омон Сайфи «шалақ арава»сини миниб, хабарчиликка жўнабди.

Бухороликларнинг меҳмоннавозлигига гап йўқ. Йўлингиз тушиб, бу вилоятнинг қайси бурчагига борманг, бир хонадондан чиқиб қайтаман деган фикрни асло ҳаёлингизга келтирманг. Сиз ўтирган хонадонга бирин-сирин кириб келган ҳар бир киши:

— Ассалому алайкум, меҳмон, хуш келибсиз. Қани меҳмон билан

# Омон Сайфи ҳангомалари

Жейнов атрофидаги қишлоқларда Омон Сайфининг (охирати обод бўлсин) номини эшитганда лабига кулги энмайдиған киши йўқ десам, сира ажабланманг. Қарийб қирқ йил «шалақ арава»ни (турли идораларда ҳайдовчи бўлиб ишлаган бу одам мойини ўзи артиб минган юк машиналарни ҳам шундай атарди) шалдиратиб, тирикчилик қилган бу кишининг хис-

битта олайлик, — деб, уйига чақириб, олдингизга алоҳида дастурхон ёзмасдан хабарингизни олишмайди.

Омон Сайфи ҳам улфатбоз одам эмасми, илк хонадондаёқ шаробдан калласи қўзиб, нима иш билан келганини ҳам унутибди. Хонадонма-хонадон юришнинг учини кунни уйда тўй бўлаётгани эсига тушиб қолибди:

— Кечирасизлар, оғайнилар, энди кетмасам бўлмайди.

— Нега, озиб-ёзиб бир келибсиз-да, шунча шошилишми?

— Сизларни тўйга айтишга келганим.

— Кимникига?

— Узимникига.

— Муборак бўлсин, тўй қачон?

— Энди фойдаси йўқ, кеча ўтиб бўлди...

Омон Сайфи қишлоққа қайтиб келганида, қариндош-уруғлар тўйни ўтказиб, қозон-товоқ, тўйхона атрофига илинган гиламларни, стол-стулларни йиғиштириб туришган экан.

**Қасам ичганман, аммо...**

Омон Сайфига доктор ароқ ич-

масликни буюрибди.

— Гап йўқ, ичма десангиз, ичмаймиз-да, — дебди Омон Сайфи ваъдани куюқ қилиб.

Ваъдани беришга берибди-ю, ўйлаб қолибди: «Бўёғи нима бўлади? Улфатлар даврасига кирсам, бир бурчақда шумғиядек ўтириб қайтаманми? Яхшиси, ҳеч ерга бормаганим бўлсин».

Бир-икки гап-гаштакка ҳам унибуни баҳона қилиб, кўриниш бермабди. Аммо давраларнинг гули бўлиб юрган одам эмасми, қанчалик аҳдида турмасин, оёқлари ҳолжонига қўймай, галдаги гаштак айтилган хонадонга бошлаб борибди.

Даврадагилар Омон Сайфини кўриб, севинчдан ўринларидан туриб кетишибди:

— Э-э, келинг-эй, ака, гурун-гингизга зор бўлиб кетдик-ку?

— Келдик, келдик, зўрмисизлар?

Улфатлар «ўтинг, ўтинглаб» Омон Сайфига давранинг тўридан жой беришибди.

— Аканинг келгани шарафига

латлари кўп эди:  
Омон Сайфи — улфат;  
Омон Сайфи — суҳбати жон;  
Омон Сайфи — ҳожатбарор;  
Омон Сайфи — қўшиқчи...

Хуллас, у кирган даврада зеркишга ўрин қолмасди. Келинг, сизни ҳам Омон Сайфи ҳангомаларидан бир шингилига ошно этай.



юзта-юзта олайлик, — таклиф қиритибди кимдир.

— Сизлар бемалол ичаберинглар, биз ичмаймиз, ичмасликка қасам ичганимиз, — ўзига узатилган пиёлани қайтарибди Омон Сайфи.

— Қачондан бери?

— Омон ака ҳамма билан ичавермайди.

Ғала-ғовур кўтарилибди. Аммо кимнингдир гапи ҳаммани тинчлантирибди:

— Қасам ичганман дедиларку.

Кўп ўтмай унинг ичмаётгани ҳам, даврада ўтиргани ҳам улфатларнинг ёдидан кўтарилибди. Қараса, бошқа муруват этадиган одам йўқ, анчадан бери томоғи тақиллаб юрган Омон Сайфи ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб қолганда косагулни секингина туртибди:

— Э, ука, биз-ку ичмасликка қасам ичиб эдик, нима сиз ҳам узатмасликка қасам ичиб-мидингиз?

**А. АБДУНАБИЕВ**



**МУАССИС:**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

**Бош муҳаррир**  
Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ

**Тахрир хайъати:**

Алла Долженкова,  
Анвар Юнусов,  
Довуд Мадиев  
(Бош муҳаррир ўринбосари),  
Жаҳонгир Шарофбоев  
(масъул котиб),  
Маъмура Адилова,  
Мирзохид Содиқов,  
Нормама Аллаёров,  
Носирхон Акбаров,  
Ойсулув Нафасова,  
Пиримкул Қодиров,  
Соғиндиқ Ниетуллаев,  
Шамси Эсонбоев

**Бизга кўнғироқ қилинг:**

Котибият: 256-52-78  
Хатлар бўлими: 256-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.  
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Ғофсет усулида босилди.  
Бичими А-3.  
Ҳажми 4 босма табоқ.

**Манзилимиз:**

100165, Тошкент шаҳри,  
«Бухоро» кўчаси, 24-уй.  
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтаинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

**Сотувда эркин нарҳда**

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.  
Наширимиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.  
Тижорат аҳамиятига молик материаллар **®** белгиси остида чоп этилади.

E-mail: mail@ishonch.uz

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

**Навбатчи котиб:**

**Ф.Мамашарипов**

**Навбатчи:**

**Ш.Абдусаматов**

**Мусаҳҳих:**

**С.Шодиева**

**Саҳифаловчи-дизайнер:**  
**Х.Абдужалилов**

**Босишга топшириш вақти - 21.00**  
**Топширилди - 22.30**

**Буюртма Г— 751**

**Тиражи: 11568**

**ISSN 2010-5002**

2 3 4 5